




Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поестга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 21 ноябрь, пайшанба • 47 (3471)-сон



ИНТЕРПОЛ РАҲБАРИНИНГ ТАШРИФИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВДА ИНТЕРПОЛ ЖИНОЯТ ПОЛИЦИЯСИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ РОНАЛЬД К. НОУБЛ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Юқори мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Вазир суҳбат чоғида Жиноят полицияси халқаро ташкилоти уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига ва бошқа жиноятларга қарши курашда муҳим роль ўйнаётганини таъкидлади. Интерпол халқаро терроризм ва экстремизм кўринишларига қарши ҳам самарали кураш олиб борапти. Бу Тошкентда 1999 йил 16 февралда содир этилган террорчилик ҳаракатларини текшириш чоғида намоён бўлди. Ушанда Интерпол раҳбарияти ҳам, ташкилотнинг Ўзбекистон-

даги Миллий марказий бюроси (ММБ) ҳам бу ёвузлик ташкилотчилари ва ижрочиларини қисқа муддат ичида аниқлаш ҳамда одил суд, қонун қўлига топшириш йўлида ҳар томонлама кўмак беришди.

Ҳозирда Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Рональд К. Ноубл ўзининг жавоб сўзида меҳмондўстлик ва самимий учрашув учун миннатдорчилик билдирди.

Юқори мартабали меҳмон барча соҳада, жумладан халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масалаларида ҳам Интерпол билан Ўзбекистоннинг қарашлари мос

келишини, бу борада ўзаро ҳамкорликни яна ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.

Учрашувда республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов, республика ИИВ, Бош прокуратураси ва МХНнинг қатор бошқармалари раҳбарлари иштирок этишди.

Бош Котиб сафари чоғида пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида, "Жар" спортсоғломлаштириш мажмуида, ИИВ лицейида бўлди. У шунингдек, Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси ходимлари билан учрашди, уларга яратилган хизмат шарт-шароитлари билан танишди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб "Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Уни ИИВ Академияси бошлиғи, милиция генерал-майори У. Тожихонов олиб борди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлар доктори, профессор Ш. Ўразаев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов, Тошкент Давлат юридик институтининг ректори М. Рустамбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудс-

ман) С. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси У. Бозоров ва бошқа етук мутахассислар, олимлар анжуман қатнашчилари ҳузурда маъруза қилдилар.

Илмий-назарий анжуман ишида республикамиздаги барча ҳуқуқий ташкилот ва идоралар, олий таълим муассасаларидан вакиллар иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Халқаро алоқалар

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – БОЛАЛАР

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Ўзбекистонда ювеналь (болалар) юстициясини ривожлантириш масалаларига бағишланган Миллий семинар бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Ўзбекистонда ювеналь (болалар) юстициясини ривожлантириш масалаларига бағишланган Миллий семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда "Болаларни қутқаринг" (Буюк Британия) Халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилди. Семинарда Бош вазир ўринбосари, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш мажмуи раиси Д. Фуломова, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренда Виго, манфаатдор ташкилотлар ва идоралар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг масъул ходимлари, республика ИИВ ҲООББ бошлиғи, милиция полковниги А. Усмонов, республика ИИВ Академияси криминология кафедраси бошлиғи, милиция полковниги З. Зариповлар иштирок этишди.

Иштирокчилар Ўзбекистонда вояга етмаганларни одил судлов соҳасидаги асосий масалалар, шунингдек ювеналь юстиция соҳасидаги халқаро тенденциялар ва юзага келаётган муаммолар таҳлилига бағишланган маърузаларни тингладилар. Бундан ташқари, "Болалар ва милиция", "Болалар ва одил судлов" каби масалалар муҳокама қилинди. Айниқ-

са ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бунда маҳалланинг ролини оширишга қаратилган муқобил тадбирлар бўйича талайгина баҳслар бўлиб ўтди, аниқ таклифлар киритилди.

Семинар қатнашчилари ушбу тадбир ташаббускорлари томонидан вояга етмаганлар муаммолари, шу жумладан болалар назоратсизлиги ҳамда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан машғул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан тренинглар ўтказиш тўғрисида билдирилган таклифни қизғин қўллаб-қувватлашди.

Шу боис ҳам болалар учун қулай бўлган ювеналь юстицияни вужудга келтириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни шу соҳадаги етук хорижлик мутахассислар Ренате Винтер (Австрия) ва Нихиль Рой (Ҳиндистон)лар олиб боришди. Республика Ички ишлар вазирлигидан ҲООББ вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Р. Хван иштирок этди.

Бахслар давомида кун тартибдаги масалалар билан боғлиқ таклифлар киритилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди. Тренинг якунида иштирокчиларга халқаро сертификатлар берилди.

Ш. УМИРОВ,
милиция майори.

ОБУНА – 2003

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Поестга", "На посту" газеталари ҳамда "Qalqon" ва "Шит" журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хатиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. "Саломатлик", "Ниҳол" каби руҳларимиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОЕСТГА» – 180 (366) «НА ПОСТУ» – 169 (367)
«QALQON» – 970 (1083) «ШИТ» – 971 (1084)



УШИНЧИ «Поестга»
gazetasining ilovasi
TANLIQ KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI
+ TV LAM

ЁШ КАДРЛАР - КЕЛАЖАГИМИЗ

Оқ олтин тумани ички ишлар бўлимига ёш, иқтидорли милиция ходими Раҳим Худойбердиев раҳбар этиб тайинлаганида айримлар эътироз билдиришган эди. Сабаби, бу ҳудуд нисбатан оғир ҳисобланади. Кейинги пайтда айнан шу туманда жиноят содир этиб, қўшни республикага ёки у ёқда бирор ҳуқуқбузарликни амалга ошириб бизнинг ҳудудга қочиб ўтаётган шахслар учраб турарди.

Раҳим Худойбердиев фаолиятини оддий милиционерликдан бошлаб, жиноят қидирув хизматида чиникди. У вилоятда содир этилган қўплаб оғир турдаги жиноятларни очишда иштирок этди. Шу муносабат билан 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Бу йилги бугдой ўримиғимида туман ички ишлар ходимлари деҳқонларга мададкор бўлишди. Беталафот ва ўғрилиқларсиз ўтган галла мавсумидан кейин, айни кунларда ходимлар

пахта йиғим-теримида ҳам жамоат тартибини сақлаш, ташмачилик, бебаҳо хом ашёни четга олиб чиқиб кетиш ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш вазифаларини шараф билан бажаришяпти. Албатта, бу ютуқларда милиция майори Раҳим Чўлиевичнинг раҳбар сифатида ҳиссаси бор.

Гулистондаги криминоген вазиятни ҳисобга олган бошқарма раҳбарияти шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига милиция подполковниги Аҳмад Бойкуловни тавсия этишни лозим топди. Фаолиятининг асосий қисми тергов хиз-

матида ўтган янги бошлиқ ўз хизмат вазифасини бажаришга астойдил киришди. Дастлабки натижалар ёмон эмас. Жиноятларнинг асосий қисми очилди, кейинги ойлarda уларнинг сони камайди. Ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида замонавий, талабга жавоб берадиган милиция таянч пунктлари қурилди, мавжудлари эса таъмирланди.

Ширин шаҳар ички ишлар бўлимига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси қошидаги раҳбар ходимлар тайёрлаш факультетини битириб келган, жиноят қидирув хизматида тажриба орттирган милиция майори Шоҳдор Курбонов бошлиқ этиб тайинланди. Ш. Рашидов ва Сирдарё туманлари ички ишлар бўлимига ҳам тергов ҳамда жиноят қидирув хизматларида кўзи пишган ёш ходимлар етакчилик қиляпти. Улардан умидимиз катта.

Мен гапни бу мисоллардан бошлаганим бежиз эмас. Кейинги пайтда мамлакатимизда ёш миллий

кадрларга эътибор кучайтириляпти. Бошқармамиз ҳам бундан истисно эмас. Зеро, ишимизнинг эртаси уларга боғлиқ.

Жиноятчилар ниятларини амалга ошириш учун ўғрилиқ, босқинчилик, қотилликларнинг "энг замонавий ва илғор усуллари"ни қўлламоқдаларки, бу милиция ходимлари улардан ҳам уста ва тажрибали бўлишларини тақозо этмоқда. Фақат ўзимизнинг тажрибаларимиз кифоя қилмайди, албатта. Ривожланган давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик қилиш, улардаги илғор усулларни ўрганиш, тажриба алмашиш, замонавий техника воситаларини ўзлаштиришни таъминлашга ИИБ раҳбарияти катта эътибор бераётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Яқинда бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Муҳаммадиев бир ой мобайнида АҚШда тажриба алмашиб қайтди.

Замонавий техника воситаларини ўзлаштириш, жиноятчилар томонидан қўлланилаётган усулларни



чуқур ўрганиш, қисқа қилиб айтганда, малака ошириш мақсадида ходимларимизни ИИБ Академиясига юборяпмиз.

Ёш кадрлар хизматда дуч келинадиган қийинчиликларни енгиб ўтиш, рўй берадиган мураккабликлар олдида эсанкираб қолмасликлари учун кўп йиллар ички ишлар идораларида буюқ хизмат қилган, тажрибали ходимларга бириктириб қўйганмиз. Мураббийлик аънаси давом этмоқда. Фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда бу борада белгиланган тадбирлар асосида бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, кишиларнинг маънавиятини юксалтирмай туриб, улуг мақсадларга эришиш қийин. Ички ишлар идоралари ходими ҳуқуқий давлат қуриш учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етиши лозим. Маърифат дарсларида бир неча асрлардан бери шакл-

ланиб, ривожланиб келаётган миллий маданиятимиз, аъналаримизни ходимларга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Ватанга, элга ва хизматга садоқат ҳиссини кучайтириш, буюқ аждодларимизнинг қахрамонликларини давом эттиришга йўналтириш дарсларнинг асосий мақсадини ташкил этипти.

Давр шиддат билан олға борапти. Ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларимиз янада жадалликни тақозо этмоқда, кундан-кунга самаралироқ ишлашга ундаяпти. Бугун бошлаган кутлуг ишларимизни давом эттирадиган ёшлар ҳар томонлама билимли ва тажрибали бўлишлари керак. Уларнинг ишлаши, билим олиши учун барча шароитни яратиб беришимиз лозим. Биз бу масалаларга катта эътибор қаратганмиз.

Юсуф ТОШБОВЕВ,
вилоят ИИБ бошлиғи
ўринбосари, милиция
полковниги.



Патруль-пост хизмати бўлими фаолиятини автомашиналарсиз тасаввур этиш қийин. Воқеа жойига тезда етиб бориш, жиноятни иссиғида очишда милиционер-ҳайдовчиларнинг кўшган ҳиссаси катта бўлади.

Суратда: ўз касбининг усталари — вилоят ИИБ ППХ бўлими милиционер-ҳайдовчилари И. Мирзараҳимов, Т. Эшмирзаев, А. Сангилов ва О. Расуловлар.

ҚАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан иккинчи жаҳон урушида қатнашган, фронт ортида меҳнат қилган, ҳозирда эса нафақада бўлишларига қарамай осойишталикни таъминлашда ёшларга ўрнак бўлаётган фахрийлардан бир гуруҳи Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтишди.

Саёҳатчилар дастлаб Ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг Регистон мажмуаси, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилишди. Сирдарёлик меҳмонларнинг ташрифидан хабар топган Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти уларни сўлим боғда жой-



лашган чойхонага бир пиёла чойга таклиф этишди.

Тушликдан сўнг фахрийлар самарқандлик ҳамкасблар бошчилигида Шоҳи-Зинда ёлдорликлари ва Улугбек расадхонасини бориб кўришди.

Қаюм КАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти,
Муаллиф олган суратлар.

ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ички бозоримизни четдан ноқонуний тарзда кириб келаётган сифатсиз моллардан ҳимоя қилиш мақсадида "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишни тартибга солиш тўғрисида" ва "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорлар қабул қилди.

Бу қарорлар нафақат ишбилармонлар, хусусий тадбиркорлар, балки кенг халқ оммаси манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилгандир. Уларга кўра, тижорат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан кўшимча қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлари ўрнига ягона божхона тўловлари ундирилишининг соддалаштирилган тартиби жорий қилинди.

Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият кўрсатишларига шароит яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизга сифатсиз товар кириб келишига, даромадларнинг

солиқдан яширилишига барҳам бериш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтиришдан иборат. Аммо ўз жиғилдонини ўйлаб, истеъмол молларини ноқонуний импорт қилаётганлар ҳамон орамизда учраб турибди.

Шу йилнинг 1 ноябрига ўтар кечаси ходимларимиз томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Қозоғистон Республикасидан айланма дала йўллари орқали Сирдарё тумани Шоликор ширкатлар уюшмасига кириб келган 6 та юк автомашинаси тўхтатиб текширилди. Шунда автомашиналар юкхонасининг эшиклари тарвуз ва қовоқлар билан тўсиб, Хитойда ишлаб чиқарилган катта микдордаги товарлар ортилгани ва но-

қонуний равишда республикамиз ҳудудига олиб кирилаётгани аниқланди. Бу товарларнинг эгаси Ҳазорасп туманилик Ж. Мунаввар қилмишига яраша жавоб беради.

2002 йилнинг 30 октябрига қадар вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан жами 73 та шундай ҳолат аниқланиб, қонунбузарлардан қирқ миллион сўмликка яқин ноқонуний равишда олиб келинаётган товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Ушбу ҳолатлар бўйича 8 та жиноят иши кўзгатилиб, 66 та ҳолат бўйича маъмурий тартибда чора қўлланилган. Ноқонуний олиб ўтилаётган йиғирма беш миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар суд қарорлари асосида давлат фойдасига мусодара этилди.

Қарорлар ижросини таъминлаш мавсумий эмас. Зотан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кафолат берувчи, истеъмол бозорларимизни муҳофазалашга кўмаклашувчи, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи бу ҳужжатлар фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

С. УРДАБАЕВ,
милиция подполковниги.

Ушбу саҳифа материалларини Қ.КАРИМОВ ва Б.ТОШЕВлар тайёрлашди.

Акс-садо

СИЗ БИЛАН
БИЗГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, журналистлар ва талабалар билан ўтказган жонли мулоқоти менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, вазиризмнинг осойишталики, хавфсизликни таъминлаш ҳар биримизга боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлари долзарбдир.

Ота-боболаримиздан қолган юртни асраш, унинг тинчлигини сақлаш ҳақиқатан ҳам сизу бизга боғлиқ. "Бу ишларга мен масъул, жавобгар бўлмасам, ким жон куйдиради?" деб ўзимизга савол бериш муҳлати аллақачон келди. Ҳар биримиз қайси касб-кор эгаси бўлишимиздан қатъи назар ишонамизда, маҳалламизда, кўча-кўйда бир дам бўлсин хушёрликни йўқотмаслигимиз керак. Атрофимизга сергак боқайлик, бефарқлигимизга чек қўяйлик. Зеро, шу юрт бизники. Унинг ҳар қаричи муқаддас.

Мамлакатимизни обод ва озод ҳолда келгуси авлодга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бунинг гарови эса тинчлик-осойишталик. Баъзиларга эриш туюлса ҳам такорлайман: "Ўз уйимизни, юртимизни ўзимиз асрайлик ва ҳимоя қилайлик!"

Холмурод Оллоназаров,
подполковник.

"Ўз уйингни, юртингни ўзинг асра, ҳимоя қил!" дея мурожаат қилинишининг маъноси катта. Чунки ўз уйини турли хавф-хатардан асрай олган инсон юрти — Ватанини ҳимоя қилишга қодирдир.

ҲЕЧ НАРСАГА
АЛИШМАЙМИЗ!

Мулоқотдан ўзимизга жуда катта хулоса чиқардик. Биринчи навбатда кўп сонли ва турли миллат вакиллари билан иборат маҳалламиз аҳолисининг тинч-тотув, меҳр-оқибатли бўлишига эришиш мақсадида маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонда бўлиб, оила аъзоларининг яшаш шароити билан яқиндан танишмоқдамиз. Айни пайтда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ўндан ортиқ оилага ҳомийлар биркирилган. Бундан ташқари ёшларни касб-ҳунар ўрганишга, ўқишга йўллаш, ишсизларни ишга жойлаштириш, зарур ҳолларда ҳашарлар уюштириб, фуқароларнинг бир-бирларига яқиндан ёрдам беришларини ҳам йўлга қўйганмиз.

Яқинда "Ўз уйингни, юртингни ўзинг асра, ҳимоя қил!" деб номланган жонли мулоқот юзасидан вилоят ва туманларнинг ҳокимлари, ИИБ бошлиқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари иштирокида ўтказилган тadbирда маҳалламиз аҳли ҳам қатнашди. Улар тadbирдан руҳланиб, нафақат маҳалламиз ҳамда қишлоғимиз, балки мамлакатимиз тинчлиги, осойишталигига ўз ҳалол меҳнатлари билан ҳисса қўшишга, ёшлардан ҳар бир маҳалла, кўчаларда қўриқчи-гуруҳлар ташкил қилишга, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонларига беминнат кўмак беришга аҳд қилдилар.

М. НАБИЕВ,

Урғут туманидаги

"Тошариқ" маҳалласи оқсоқоли.

Шу сонга хабарлар

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида Касб кунини муносабати билан фахрийлар ва милиция ходимлари учун дастурхон ёзилди. 300 нафардан ортиқ фахрийлар, уруш қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар, хизмат бурчини ўташ чоғида ногирон бўлиб қолганлар пул мукофоти билан тақдирландилар. Боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Тантана сўнггида концерт намойиш қилинди.

ХОДИМЛАРГА СОВҒА

Вилоят ички ишлар бошқармасининг Кўқон шаҳрида жойлашган ППХ бўлими Касб кунини арафасида янги маъмурий бинога кўчиб ўтди. Барча қулай-

ликларга эга бу бинонинг очилиш маросимида вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги А. Тошхўжаев, унинг ўринбосари, милиция полковниги О. Ғофуров, Кўқон шаҳар ҳокими А. Хожаев, Кўқон шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Қундузов ва шаҳардаги ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Касб кунини тантаналарига қўшилиб кетган ушбу маросимда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда фаоллик кўрсатган ходимларнинг бир гуруҳи пул мукофотлари ҳамда Кўқон шаҳар ҳокимининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Йиғилганлар учун дастурхон ёзилиб, "Осиё" гуруҳи ижросида катта концерт намойиш этилди.

М. КИМСАНБОВЕВ.

МУҲИМ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланганлигининг 11 йиллиги ҳамда Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланди. Шу муносабат билан йиғилишда иштирок этган Термиз Давлат университети ҳуқуқшунослик кафедрасининг мудирини, тарих фанлари номзоди, доцент Ж. Турсунов маъруза қилди.

Шундан сўнг бир гуруҳ фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Вилоят ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги М. Бобоев, истеъфодаги милиция полковниги Х. Тоғалиев, истеъфодаги ички хизмат полковниги Қ. Бўриевлар йиғилганларга ўз ҳаёт йўллари ҳақида гапириб бердилар.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

БЎЛИНМА ҲН ЁШДА

ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси ҳузуридаги алоҳида бўлинмаси ташкил топганининг ўн йиллиги ҳамда ички ишлар ходимлари Касб кунини қизгин нишонладилар.

Тошкент шаҳар ИИББ маданият саройида ўтган бу тadbирда шаҳардаги барча туманлар ИИБлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимлари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳам қатнашдилар.

Йиғилишда жамоат тартибини сақлаш, эл-юрт осойишталигини таъ-

минлаш йўлидаги фидокорона хизматлари учун гуруҳ сардори Д. Комилов, милиционерлар О. Фахритдинов ва М. Турсуновларга милиция катта лейтенанти ҳамда милиция лейтенанти унвонларини бериш ҳақидаги республика Ички ишлар вазирининг буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Тантана сўнггида Ўзбекистон халқ артисти Н. Хайдаров ва бошқа таниқли санъаткорлар ўз чиқишлари билан тантана иштирокчиларига байрамона кайфият бахш этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

АСОСИЙ МАҚСАД —
ЁНГИННИ КАМАЙТИРИШ

Аввал хабар берганимиздек республикамизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Тadbирнинг муваффақиятли ўтиши ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларидан катта масъулият талаб этади.

Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг тизими ходимлари бу муҳим тadbирга пухта тайёргарлик кўришди. Шаҳар, туман марказларида, маҳаллаларда, ўқув юртлари, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, корхо-

на, ташкилот, халқ ҳўжалиги масканларида учрашувлар ўтказиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун махсус тарғибот автобусидан фойдаланиляпти. 100 мингга яқин ўзбек, тожик ва рус тилларидаги эслатма ва кўргазмалар жойларга тарқатилди.

Шунингдек, белгиланган режа асосида жойларда бўлиб, газ таъминоти, электр тармоқлари, коммунал хизмат ва бошқа дахлдор идоралар билан ҳамкорликда фуқаролар исти-

қомат қиладиган уй-жойлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ёнгинга қарши ҳолати ўрганиляпти. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тadbир кўриляпти.

Мақтаб ва лицейларнинг ўқувчилари, талабалари ўртасида ёнгин хавфсизлиги мавзуларига бағишлаб ёзилган энг мазмунли, иншо, чизилган расмлар, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги ойлигида фаол қатнашган маҳалла, уй-жой, корхона, халқ ҳўжалиги маскани, ёнгин ўчириш қисми ўртасида танлов эълон қилинган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йили ўтказилган ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида вилоятда ёнгинлар сони 13,8 фоизга, улардан келтирилган моддий зарар 6,3 фоизга, ёнгинларда инсонларнинг ҳалок бўлиши 10,2 фоизга ва тан жароҳати олиш ҳоллари 18,1 фоизга камайган эди. Бу йилги тadbирдан кўзда тутилган мақсад ҳам ёнгинларнинг олдини олиш, уларнинг сонини камайтиришдан иборат.

Х. МАЛЛАЕВ,
ички хизмат майори.



Огоҳликка даъват

ДАВР ТАЛАБ ЭТГАНИДЕК

Ватан туйғуси ҳар биримиз учун муқаддас. Мамлакатимиз сарҳадларини эса кўз қорачигидек асраб-авайлаш шарафли бурч эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Тинчлик деган беқийс неъматнинг шарофати ила йилдан-йилга шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгармоқда, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлар қуриляпти, ёқилги ва ғалла мустақиллигига эришилмоқда.

Дўстларимиз қўлга киритилган ютуқлардан қувониб, омад тилашяпти. Аммо биз аччиқ тажрибамиздан нафақат биродарлар, балки ганимларимиз ҳам борлигига амин бўлдик. 11 сентябрь кунини АҚШда рўй берган террорчилик ҳаракатларидан кейин бундай кулларга биргаликда курашиш лозимлиги аён бўлди. Афғонистон ҳудудида жойлашган террорчилик мар-

казларига зарба берилиб, йўқ қилинди. Бироқ террор балоси ҳамон хавф солмоқда.

Террор миллат танламайди. У бутун инсоният, тинч ҳаётга қарши эканлигини чуқур ҳис қилаёلمиз. Биз бундай ҳатти-ҳаракатларни кескин қоралаймиз. Президентимиз томонидан "Ўз уйингни ўзинг асра" деган широнинг ўртага ташланиши барчамизни огоҳликка даъват этди. У бир кунлик ёки мавсумий иш эмас, балки ҳар доим хушёр бўлсакгина хотиржам яшаймиз. Бу борада ички ишлар ходимлари фуқаролар билан яқиндан мулоқотлар уюштириш, маҳалла аҳли билан учрашувлар ўтказишга эътибор беришяпти. Жойларда ҳали қатор камчиликлар мавжудлиги ойдинлашяпти. Айрим кўп қаватли уйлarning ертўла ва томлари ҳали ҳам беркирилмаган. Баъзи корхона ва ташкилотларнинг тунги қоровуллари виждонини ютиб, хизмат пайтида донг қотиб ухлашади. Раҳбарлар эса ўз идораларида тунлари содир бўлаётган воқеалардан хабарлари йўқ.

Огоҳлик давр талаби. Фақат хушёрликни оширибгина ўз уйимиз, маҳалламиз, давлатимиз хавфсизлигини муҳофаза қилиш, мамлакатимиз осойишталигини таъминлаб, ўзимизни ҳимоя қилишга эришамиз.

М. АБДУЛЛАЕВ,
милиция капитани.

Суратда: Богот тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Алишер Худойберганов "Қораёнтоқ" қишлоғи аҳли билан "Огоҳлик ва хушёрлик давр талаби" мавзусида учрашув ўтказмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

«ХАВФСИЗЛИК —
2002» КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги "Киночилар уйи"да Ички ишлар вазирилик ҳузуридаги "Қўриқлаш" Республика бирлашмаси, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирилик ва бошқа идоралар ходимларининг Россия Федерацияси, Украина, Қозғоғистон республикалари ички ишлар идоралари вакиллари билан ҳамкорликдаги "Хавфсизлик — 2002" мавзусидаги семинар-кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тadbирни Республика Ички ишлар вазириликнинг ўринбосари, полковник Қ. Ибрагимов очиб, қўриқлаш хизмати ходимлари зиммасидаги мажбуриятлар, соҳани янада такомиллаштириш, замонавий техник воситалар билан таъминлаш каби қатор долзарб масалалар ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Республика бирлашмасининг бошлиғи, милиция полковниги А. Юсупов, Ҳамдўстлик мам-

лакатлари вакиллари қўриқлаш хизматини янада такомиллаштириш бўйича ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

Семинар-кўргазмани ўтказишдан мақсад — республикамиз вазириликлари, муассасалар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа манфаатдор шахсларни ўта муҳим, тоифаланган объектлар хавфсизлигини, қўриқловга топширилган шахсий мулкнинг бутлигини таъминлаш борасида

эришилаётган ютуқлар билан таништириш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш эканлиги аён бўлди.

Семинар-кўргазмада "BUILDING TECHNOLOGIES" саноат-савдо корхонаси, "VINELAND" махсус ишлаб чиқариш корхонаси, "SYSTEM — SERVIS" ишлаб чиқариш-тижорат корхонаси, "TELDA-TASH" қўшма корхонаси, Самарқанддаги "Кинап" заводи каби 12 та фирма ва корхоналар ўз махсулотларини намойиш қилишди.

Йиғилганлар қўриқлаш хизматида зарур бўладиган энг янги ва мукаммал техника воситалари билан яқиндан танишдилар.

Семинар-кўргазма иштирокчилари бўлган хорижлик меҳмонлар шахримизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Тахририятга мактуб

Милицияга ҳеч ҳам ишим тушмаган эди. Лекин шу касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари билан очилган кўплаб ўғирлик, қотиллик ва бошқа жиноятлар тўғрисида эшитганман.

ТАШАККУР БИЛДИРАМИЗ

Яқинда оиламиз бошига ташвиш тушди. Сигир, бузоқ ва бир бош новвосимизни номаълум кимсалар молхонамиздан ўғирлаб кетишибди. Бу воқеа кечаси соат 24.00 лар чамасида айнан чарчаб ухлаб ётган пайтимизда рўй берган. Эртасига Тошлоқ тумани ИИБга бордим. У ерда мени туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Мансуржон Зоҳидов қарши олди. Рост гап — бошлиқнинг муомаласидан кўнглим кўтарилди. Ўғирланган молларнинг топилишига мени ишонтирди. Ҳақиқатан молларимни топиб беришди.

Мен бунинг учун барча оила аъзоларимиз номидан милиция ходимларига чин дилдан ташаккурлар айтаман. Ўз вақтида улар тутилмаса, бизга ўхшаган яна қанча одамларни чирқиратишар эди. Хусусан, туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Мансуржон Зоҳидов, профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Ўқтамжон Акрамов, милиция ходимлари Илҳомжон Аҳматов ва Оқилжон Алиевлардан жуда миннатдоримиз. Халқимиз бахтига осойишталик посбонлари омон бўлишсин!

М. НИШОНОВ.

Тошлоқ тумани, Бўстон қишлоғи.

Ибрат

ФАОЛЛАРГА СУЯНАМАН

Яқинда фуқаро М. Мажидовни маъмурий назоратдан чиқарилишини сўраб Тўрақўрғон тумани ИИБ раҳбариятига тавсиянома ёздим. Мурод ўғрилик қилиб, қамалиб чиққан. Жазони ўтаб қайтганидан кейин фермер хўжалигига ишга жойлашди. Икки фарзанди, хотини билан аҳил яшаб, уй-жойини таъмирлади. Хўжаликда ҳалол меҳнати билан ҳурматга сазовор бўлди. Бундан ташқари икки-уч нафар ўсмирни ўғриликдан қайтариб, маҳаллада обрў топди.

Аҳмадалиевлар оиласи спиртли ичимлик туфайли тўзиб кетишига бир баҳа қолди. Топган пулини ичкиликка сарфлайдиган эр билан яшашдан безор бўлган хотин тўрт нафар фарзандини олиб, кетиб қолади. Хонадон соҳибини қақриб суҳбатлашдим, берган ваъдаларини эслатиб, эркак бир сўзли бўлиши кераклигини уқтирдим. Маҳалладагилар кейинги пайтда унинг ичкиликбозларга қўшилиб қолганини айтишди. Бу тўрт нафар фарзанднинг отасини ўртага олиб изза қилдик. У яраштирув комиссияси аъзолари олдида ичкиликни таш-

лашга сўз берди. Ҳозирда оиласи билан тотув яшаб, тинч ишлаб юрибди.

Ушбу мисолларни келтиришимдан мақсад, маҳаллада жамоатчиликнинг милицияга ёрдам бераётгани ва бу кўмакнинг зарур эканлигини эслатиб ўтишдир. Мен ўзим кўп йиллар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ишладим. Профилактика инспектори вазифасига ўтганидан кейин кенг жамоатчилик, фаоллар билан ҳамкорлик яхши самара беришини кўп марта амалда кўрдим. Шунинг учун ҳам ўзим хизмат қилаётган Тўрақўрғон шаҳридаги

“Тошкент” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Р. Мирзаев ва фаоллар билан тез-тез кенгашиб тураман. Уларнинг қимматли фикрлари қўл келяпти.

Кейинги пайтда маҳалламизда жиноятлар сезиларли даражада камайди. Бунинг асосий сабаби, фуқаролар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат милициянинг иши деб қараш нотўғри эканлигини тушуниб етаетганларида, деб биламан. Милиция таянч пунктида кечаю-кундуз навбатчилик ташкил этганмиз. Фаоллар, маҳалла посбонлари ҳеч бир эътирозсиз навбатчилик қилиб, ҳудудни назорат қилиб боришяпти.

Қарийб олти мингга яқин киши яшайдиган ҳудудда тинчлик, осойишталик, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда маҳалла фаолларига, суянаман.

О. ТОЖИБОВ,
милиция лейтенанти.
Наманган вилояти.



ҚОНУНЧИЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБда ўқув семинар ўтказилди. Тадбиркорлар, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатлари бўйича амалдаги қонун ва қондаларни ўрганишга бағишланган бу тадбирни вилоят ИИБ ЁХБ

бошлиғи, ички хизмат подполковниги Д. Пўлатов очди. У ушбу ўқув семинардан кўзланган мақсад ҳақида гапирди. Шундан сўнг вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Ш. Набиев маъруза қилди.

Ўқув семинарда вилоят Давлат солиқ бошқармаси маъмурий амалиётни ташкил этиш ва назорат қилиш бўлими бош инспектори С. Саидалиев, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Х. Дўсийоровлар қатнашди. Улар ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Семинар якунида ходимлар касб маҳорати бўйича синовдан ўтишди.

С. АМИНОВА.

О. ПРИМОВ олган сурат.

Эксперт-криминалистар олдиға қўйилган асосий вазифа воқеа жойларини кўздан кечириб, ашёвий далилларни олиш, улар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, содир этилган жиноятларни очишда фойдаланиш, бошқа хизмат ходимларига тергов ва тезкор қидирув ҳаракатлари ўтказишда техник воситалар ёрдамида кўмаклашишдан иборат.

ХАТО ҚИЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Андижон вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимида мукамал малакага эга бўлган ходимлар ҳар йили бир неча юзлаб изшунослик, хатшунослик, ҳужжатларни техник текширув, баллистик ҳамда кимёвий тадқиқотлар ўтказиб, ўз хулосалари билан тергов материалларининг объектив ҳал бўлишига ёрдам берадилар.

Малакали мутахассис ёрдамида кўздан кечирилган воқеа жойи жиноятни иссиқ изидан очиш омилдир. Вилоятда эксперт хизмати ёрдамида тезкорлик билан очилган бир неча ўнлаб жиноятларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Андижон тумани трассасида бир фуқарони автомашина уриб юбориб, йўловчи воқеа жойида вафот этади. Ҳодиса содир этган оқ “Нексия” автомашинаси ҳайдовчиси йўловчини асфальтда ётган жойида босиб юборганини маълум қилади. Воқеа жойи мутахассис-экспертлар ёрдамида бир неча соат давомида кўздан кечирилиб, топилган ашёвий далиллар бирма-бир ўлчаниб, суратга олинди, баённомага киритилди. Топилган ашёлар бўлимга олиб келиниб таққослаш йўли билан ҳақиқатда ҳайдовчи кўргазмаси тасдиқланди. Тадқиқотлар давомида яна автомашина бўёғи ва бошқа қисмлари ўрганилиб, йўловчини биринчи уриб юборган “Нексия” автомашинасининг чап фараси ва қаноти қаттиқ шикастланлиги ҳақидаги маълумот йўл ҳаракати хавфсизлиги ва жиноят қидирув ходимларига маълум қилинди.

Шу йил февраль ойида Пахтаобод туманида ўз уйида ёлғиз яшайдиган бир фуқарога нисбатан қотиллик жинояти содир этилди. Мутахассис ёрдамида кўздан кечирилган воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар: қўл, бармоқ, пойабзал излари ҳамда жиноят содир этилиши жараёнини ўрганиш натижасида жиноятчилар тахминан неча киши эканлиги, уларнинг жинси, бўй-баста, қандай малакага эга эканлиги аниқланди. 6 кун давомида жиноят қидирув ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар ва эксперт тадқиқотлари натижасида жиноятчиларнинг бири қўлга олинди. Тезлик билан ўтказилган трасология экспертиза хулосасига асосан воқеа жойидан олинган оёқ изларидан бири ушланган гумондор пойабзалидан қолдирилганлиги аниқланди. Шу куннинг ўзида қолган уч жиноятчи ҳам ушланди.

Шифокор хато қилса фуқаронинг ўлимига, эксперт хато қилса гуноҳсиз фуқаро жабр кўриши ёки жиноятчи жазосиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Буни доимо ёдда тутган ходимлар малакали устозлар ёрдамида техник воситалар ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиб, ўз устларида ишламоқдалар. Улар бундан кейин ҳам мустақил Ўзбекистонимизда осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшаверишади.

Ғ. РАҲИМОВ,
милиция полковниги.

Фидойи ҳамкасбларимиз

ОТА ИЗИДАН

Милиция катта лейтенанти Алишер Тўйчиевнинг хизмат фаолиятига энди уч йил бўлди. У 1999 йил ИИБ Академиясини муваффақиятли тугаллагач, ҳуқуқшунослик мутахассислиги билан она юрти Сурхондарёга келди. Алишер Денов шаҳри ИИБда терговчи бўлиб иш бошлади. Бу ерда изланувчан, фидойилиги билан раҳбарлар эътиборига тушди. Орадан икки йил ўтгач, уни Термиз шаҳар ички ишлар бошқармасига ишга ўтказишди. Аини пайтда у катта терговчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

— Дастлабки пайтлар ишни эплай олармиканман, дея хаяжонланганим ёдимда, — дейди А. Тўйчиев. — Чунки назарий билим ва амалиёт бошқа-бошқа. Бир қарашда ҳамма нарсани уйдасидан чиқадигандек туюлади. Жиноят иши бўйича тахминларни ишлаб чиқасан, зарур ашёвий далилларни тўплаб, ишни судга оширасан. Ўқитувчилар томонидан тақдим этилган вазиятларда хатога йўл қўйишинг мумкин, ҳаётда эса бунга ҳаққинг йўқ. Акс ҳолда айби бўлмаган одам жабр чекиб қолади. Зиммамда шундай масъулият борлиги боис аввалига анча қийин кечди. Кўп ҳолларда устозим, милиция майори Абдурахмон Исмоиловнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатларига суяндим. Бошқа томондан, отам доим кўлаб-қувватлашга тайёр. У киши прокуратурада терговчи. Хонадонимизда кўпинча ҳамкасблари тўпланиб туришади. Табиийки, суҳбатларнинг асосий мавзуси иш ҳақида бўлади. Терговнинг янги усулларини муҳокама қилишди,



тергов амалиётидаги воқеаларни ёдга оладилар. Бир сўз билан айтганда, мен қонунчилик ҳукми сурган муҳитда улғайдим. Бу эса қайси касбни танлашимга таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Милиция катта лейтенанти А. Тўйчиев тергов қилган сўнги “иш”лардан бири уни қаттиқ ҳаяжонга солди. Бу воқеа ҳам ота-бола муносабатлари хусусида. Фақат қаҳрамонлар тақдири ўзгача.

3. Равшан йигирма ёшда. У отаси ва онаси алоҳида яшагани учун-

ми, эркатой бўлиб вояга етганди. Она ишга кетиб кеч қайтар, ота эса оилага деярли ёрдам кўрсатмас эди. Натижада Равшан жиноят содир этиб қамалди. Жазо муддатини ўтаб қайтганида эса онасининг қистови билан шаҳардаги қорхоналардан бирига пайвандчи бўлиб ишга жойлашди.

Ўша куни Равшан отасиникига кеч келди. Икковлон кечки овқатни бирга қилишди, учрашганлари учун қиттак-қиттак отишди. Аммо қадаҳлар кўпайгач, гина-кудуратлар бошланди, даҳанаки жанг муштлашувга айланди. Равшан ёш эмасми, кексайиб қолган отасининг бошига бир неча марта туширган эди у полга кулади. Қонга беланиб, кимирламай ётган отасини кўрган Равшан кўрқиб кетди. Энгашиб нафас олаётганини текшира бошлади. Шу пайт кўча эшик тақиллади. Шовқин-сурон ва қариянинг бақирларидан хавотирга тушган қўшнилар милицияга сим қоқишган эди. Зудлик билан “Тез ёрдам” чақириб, отани шифохонага жўнатишди. Аммо у бир кеча-кундуз давомида ўзига келолмай бу ёруғ оламдан кўз юмди.

3. Равшан жабрланувчининг ўлимига олиб келган тан жароҳати етказишда айбланди. Эҳтимол унда отасидан ўқсиш учун сабаблар етарлидир, аммо бирор кишига инсонни ҳаётдан маҳрум этиш ҳуқуқи берилганми? Йўқ, албатта.

И. САЙФУТДИНОВА.

Суратда: милиция катта лейтенанти А. Тўйчиев.

А. ЗОЛОТАРЁВА олган сурат.

UCHINCHI

«Поетга»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV O'LAM

Хар кимда ҳам умрида ҳеч бўлма-са бир марта "шундай бўлишни кўнглим сезувди-я!" деб афсус чекиб қолган ёки "хайрият, ўшанда кўнглимга келганига қулоқ солдим" деб шукр қилган лаҳзалари бўлган. Ҳа, одамзод руҳиятида ҳали ўзи англаб етмаган сир-синоатлар, мўъжизалар кўп.

АҚШ доллари ажратишни маслаҳат берган. Натижада у ушбу тажриба самарасида янаям кўпроқ фойда кўрган. Айнан ички овози унга Теслининг қувватни узоқ масофага электр симларисиз уза-тиш бўйича тажрибасини молиявий жиҳатдан таъминламасликни

пайтлар ефрейтор Адольф Шикльгрубер (бизга кўпроқ Адольф Гитлер номи билан таниш)га ҳам ички овози зудлик билан блиндаждан чиқиши зарурлиги, акс ҳолда санокли лаҳзалардан кейин бу ерга снаряд келиб тушишини айтган эди. Ҳар ҳолда, вақти келиб ўн

фатда тўсатдан ўзи бир кунмас бир кун шу самолётда ҳалокатга учрашини башорат қилган. Ҳақиқатан шундай бўлиб чиққан. Унинг ҳамкасби, америкалик синовчи-учувчи Д. Коллиндз ўзининг синов чоғида юз берадиган ўлимни олдиндан бир қисқа ҳикоясида тас-

юборишимни илтимос қилди". Кема сафардан қайтмади.

Маршал К. Мерецков ўз хотираларида шундай ёзган эди: "1918 йили отрядимиз командири Говорков оддий жанглардан бири олдиндан яқинларига хат ёзиб, уни менга берди. Сўнг "эртага мен ўламан", деб қўшиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди".

Бу мисолларни ўқиш жараёнида сиз ҳам ўз ҳаётингизда кўнгли сезиши билан боғлиқ қанчалар юз берган воқеаларни эслагандирсиз. Аммо шуни ёдингизда тутингки, ҳаммиша ҳам ички овозингиз айтгани бўлавермайди. Ўрни келганда бу туйғу ҳақида таниқли санъаткор Юрий Никулин тўқиган латифани айтиб берай.

Бир киши кўчада қетаётиб кўзи қиморхонага тушибди. "Кир, – дебди ички овози. – Бу сафар албатта ютасан". Ҳалиги киши қиморхонага кирибди. "Тўрдаги залга ўт!" – дебди ички овози. У одам ўша залга ўтибди. "Фалон даврага кўшил!" – дебди ички овози. Ҳалиги киши айтилган даврага кўшилибди. "Фалон пул тик", – дебди ички овози. Эгаси овозга қулоқ осибди. Хуллас, ички овознинг ҳамма амри бажо бўлибди. Аммо охири ҳалиги киши бор пулини ютқазиб қўйибди. Шунда "Эҳ, яна янглишдим!" – дермиш ички овози.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Америкалик бир тадқиқотчи кўп-лаб авиаҳалокатлар ва темир йўл фалокатларини статистик жиҳатдан текшириб чиқди. Шунда ана шу хосиятсиз рейсларнинг аксариятидан йўловчиларнинг анча-мунчаси қолиб кетгани аниқланди. Улар ё қайтиб бошқа рейсга билет олишган, ё сафарга боришдан бутунлай воз кечишган эди.

Аммо дунёдаги энг йирик "Титаник" ҳалокати бундан мустасно. Журналистлар узрли сабабсиз бу саёҳатдан воз кечган бор-йўғи ўн бештача кишини топшиди. Уларнинг ҳам бирини америкалик экстрасенс айнитган, бошқасини кема чўкиб кетиши ҳақида кетмакет туш кўрган хотини йўлдан қайтарган эди. Фақат биргина йўловчи – машҳур америкалик миллионер П. Морган қандайдир фалокат бўлишини олдиндан кўнгли сезганини тан олди. Саёҳат олдиндан бошқаларга қулғу бўлмаслик учун у ўзини ёлғондан касалга солган. Кейинроқ журналистлардан бирига берган



интервьюсида у худди Сукротга ўхшаб доимо ички овози берган маслаҳатларга қулоқ осибди, кўнгли ҳеч қачон янглишмаган деса ҳам бўлишини тан олган эди.

Айнан шу туфайли П. Морганга молиявий ишларда ҳаммиша омад кулиб боққан экан. Масалан, унга ички овози машҳур кашфиётчи Никола Теслига тажриба ўтказиши учун миллион

маслаҳат берди. Агар ҳақиқатан олимнинг кашфиёти амалга ошса, Ер юзидаги барча тирик жонзот қирилиб кетган бўларди. Чунки у пайтлар юқори частотали юқори қувватли электромагнит майдонларининг тирик организмларга зарарли таъсирини ҳали ҳеч ким билмасди.

Фақат, ички овозни илоҳийлаштиришга ошиқманг. Зеро, бир

миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўладиган кишининг ҳаётини илоҳий овоз сақлаб қолмаса керак. Айтганча, уруш йиллари айнан ички овоз Гитлернинг мурасасиз душмани бўлган Уинстон Черчиллни ҳам қутқарган.

Машҳур учувчи Григорий Бахчиванжи муваффақиятли тугаган синов парвози шарафига берилаётган зиё-

вирлаган. У ҳикояни "Мана, мен ҳалок бўлдим" деган жумла билан якунлаган.

1944 йил сентябрида "Ц-402" сувости кемаси одатдаги сафарга тайёрланаётган эди. "Аммо сафар олдиндан кема командири Александр Каужский тушкун кайфиятда эди, – дея хотирлайди контрадмирал И. Колишкин. – У менга стол устидаги суратларини бериб, хотинига жўнатиб

НОТИНЧ ОЛАМ

Якшанба кuni кечкурун Тель-Авивдан Истамбулга учаётган самолётни пичоқ билан қуролланган йўловчи олиб қочмоқчи бўлди. У ҳаво лайнери бортида бўлган хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан зарарсизлантирилди.

Тавфик Фуқра исми 23 ёшли бу киши сўроқ пайтида бултур 11 сентябрда содир этилган террорчилик ҳаракатини такрорламоқчи бўлганини тан олди. Унинг нияти самолётни Тель-Авив маъмурий биносига олиб бориб уриш экан.

Саудия Арабистонида терроризмга алоқадорликда гумон қилинаётган шахс ҳибсга олинди. У қўлга олиш чоғида полиция ходимлари томонидан яраланганлиги сабабли ҳозир шифохонада сақланыпти. Полиция раҳбарларининг маълум қилишича, анчадан буён қидириляётган экан. Манбаларга кўра, ҳибсга олинган киши "Ал-Қоида" ташкилотига дахлдор бўлиши мумкин.

Ўтган кунлар ичида ички ишлар идоралари ходимлари Чеченистонда бешта яширин аслаҳахонани аниқлашди. Биргина Гудермес туманидаги аслаҳахонадан иккита Калашников автомати, ПМ тўппончаси, 170 та 5,45 мм ли патрон топилди.

Аслаҳахона

«ГБ»



"Остеррайхише Фабрик Штейер" корхонаси анчадан буён тўппонча ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхона такомиллаштириб тайёрлашни йўлга қўйган "Пи-18" тўппончаси муайян ўзгаришлардан сўнг "ГБ" номини олган.

Унинг 18 донә патрон сиғадиган ўқдонни дастлаб жуда қўпол кўринарди. Ҳақиқатан "ГБ" тўппончасини яширинча олиб юриш қийин. Аммо ундан кейин қурол бозорида кўп патрон сиғадиган тўппончаларнинг турлари кўпайиб қолди. "ГБ"нинг ажралиб турадиган хусусияти – ўзига хос тузилишидир. Унинг затвори ўқ отилгач, секин орқага кетади. Бунинг натижасида тўппонча нисбатан катта бўлгани учун унинг силтаниши ка-

майиб, отиш аниқлиги ошади. "ГБ" тез ва аниқ нишонга олиш учун одатдаги уч нуқтали мерганлик қурилмаси билан жиҳозланган "Штейер ГБ" тўппончаси жуда аниқ мўлжалга отиши билан ажралиб туради.

«БДА – 9»

"БДА – 9" тўппончаси "Фабрик – Насьонал" фирмаси томонидан машҳур ФН "Браунинг" тўппончаси асосида яратилган. У ярим аср давомида қурол бозорида етакчилик қилган "аждоди"нинг кўп хусусиятларини сақлаб қолган. Тўппонча тепкиси механизмига киритилган ўзгартириш ундан икки қўллаб отиш имкони беради. Унинг калибри 9 мм. "Браунинг" русумли тўппончаларнинг ихчамлари орасида калибри 7,65 мм бўлганлари ҳам бор.

Жаҳон амалиётидан

АМЕРИКАЧА СУДЛОВ



Америкада федерал судьялар Президент томонидан бир умрга тайинланади. Шунинг учун улар орасига тасодифий одамлар кириб қолмаслиги керак. Акс ҳолда судьяни Президент ҳам ишдан олиб ташлолмайди. Фақат импичмент (ишончсизлик билдириш) орқали Конгрессгина уни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга. Аммо бу бутун мамлакатга тарқаладиган жанжалга айланади. АҚШ суд тизимининг 200 йилдан ортиқ фаолиятида бор-йўғи беш нафар судья ишдан бўшатишган.

Судьяликка номзод ниҳоятда пухта текширилади. Унинг таржимаи ҳолини ФҚБ (ФБР) ўрғанади. Номзод тўғрисидаги ҳар қандай шикоят, ҳатто кўшиларнинг у ўтлогини вақтида тартибга солмагани ҳақидаги хабарига ҳисобга олинади.

Штат судьялари чекланган муддатга сайланади, бироқ сайловолди кампанияси пайтида номзодда бирор нуқсон бўлса, албатта, юзага чиқади. Сайланган судья эса жуда катта ҳуқуқларга эгадир. Мисол учун, федерал судья машҳур Уотергейт ишани кўраётганда Президент Никсонга сўзла-

шув ёзилган плёнкани олиб келишни буюрган. Президент сўзсиз бўйсунган. Бошқа бир суд жараёнида судья гувоҳ сифатида Марказий разведка бошқармаси бошлиғи келишини талаб қилган. Бошлиқ Аляскадаги ҳамма ишини ташлаб зудлик билан Вашингтонга етиб келган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Акс ҳолда бош разведкачани куч билан олиб келишарди. Бунинг устига, уни ҳибсга олиш учун ордер ҳам ёзилган бўларди.

АҚШ суд тизими мусобақага ўхшайди. Суд жараёнида судья ўзини атайлаб пассив тутати ва баҳсларга аралаш-

майди. Ҳуқуқшунослар ярим ҳазил, ярим чин яхши судья балиққа ўхшаши керак, дейдилар. Лекин у агар кимдир судни беҳурмат қилганда, деб ҳисобласа, айбдорга 180 кунгача қамоқ жазоси тайинлаши мумкин. Маслаҳатчилар фикрларини ҳисобга олиб эса беш йилгача қамоққа ҳукм чиқара олади. Бу ҳаммага: адвокатга ҳам, прокурор, айбланувчи, гувоҳларга ҳам тегишли. Тўғри, бундай ҳол камдан кам юз беради.

Суд жараёни мусобақа тарзида ўтгани учун адвокат ва прокурорларнинг роли жуда масъулятли. Уларнинг ҳар бири мустақил тергов олиб боради, ўз

далиллари ва гувоҳларини судга тақдим этади. Иккала томон тепа-тенг. Прокурорлар жазо беришга эмас, қонун тантанасини кўрсатишга интилишади. Уларнинг асосий мақсади адолатни юзага чиқариш.

Прокурорлар Адлия вазирлигига қарайди. Шунинг учун Адлия вазири Бош прокурор ҳам ҳисобланади. Дарвоқе, машҳур ФБР ҳам мазкур вазирлик қармоғида.

Америкада адвокатлар алоҳида юқори табақа ҳисобланади, уларнинг хизматлари жуда қиммат. Оқловчилар сони 700 мингдан ортиқдир. Адвокатнинг обрўси ҳалоллиги ва давлатга нисбатан одоб-ахлоқ меъёрларини қанчалик сақлай олишига боғлиқ. Агар у суд жараёнида атайин ёлғон гапирса, тамом, ишдан, обрўсидан ажрайди.

Яна бир нарсани таъкидлаш керакки, Америкада жиний иш-

ларнинг 90, фуқаролик ишларининг эса 97 фоизи судга етиб бормади. Томонлар ўзаро келишув йўлини топади. Судья фақат ишга расман нуқта қўяди, ҳолос. Хусусий адвокатлар хизмати ниҳоятда қиммат, лекин зарур ҳолда айбдорга бепул ҳимоячи берилиши мумкин.

Америкада маслаҳатчилар суди иш кўради. Улар ҳуқуқшунослардан эмас, балки халқ вакиллари билан иборат бўлсада, алдашнинг сира имконияти йўқ. Маслаҳатчилардан фақат “айбдор” ёки “айбсиз” дейишгина талаб қилинади. Оддий америкалик қандай қилиб суд маслаҳатчиси бўлиши мумкин? Номзодлар лотерея тариқасида, аммо компьютер ёрдамида сараланади. Сайловчи сифатида рўйхатга олинган, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор, 18 га кирган АҚШ фуқароси маслаҳатчи бўлиши мумкин. Ягона талаб – у ўқиш ва ёзишни билиши керак. Маслаҳатчини судга юбормаган корхона раҳбари билан пачакилашиб ўтирилмайди: унга 10 минг АҚШ доллари жарима солинади ёки бир йил қамоқ жазоси берилади!

Полициячини ўлдирган, ўта шафқатсизлик билан қотиллик содир этган, икки ёки ундан ортиқ кишини ўлдирган жиноятчи сўзсиз олий жазога тортилади.

Ориф ФАРМОН
тайёрлади.

АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ

Польшанинг Вонгравец шаҳри яқинидан Вельна ва Нельба дарёлари оқиб ўтади. Улар бир-бири билан тўғри бурчак остида кесишади. Лекин шунга қарамай дарёларнинг суви ҳеч ҳам қўшилиб кетмайди ва ўз ўзларини буйича оқишни давом эттиради. Бунинг сири, ушбу дарёлардаги сув ҳарорати бир-биридан кескин фарқланганлиги, оқимларининг тезлиги ҳамда қатламлари ҳар хил бўлганлигидир. Бу жойда бир неча бор тажрибалар ўтказилган. Вельнага қизил бўёқ, Нельбага эса кўк бўёқ тўкилган. Кесишиш жойига келганда бўёқлар аралашиб кетмаган: қизил бўёқ йўлида, кўки эса қизил бўёқ аралашган сувнинг устидан ўтиб ўз ўзини буйича оқиб кетган.




Кашанда-лар жаҳон бўйича йилга 100 миллиард АҚШ долларни сигаретга сарфлайди. Бу маблағ дунёдаги барча болаларнинг саломатлиги, таълим ва тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мумкин.

Арабистон ярим оролида “Кулгу гули” номини олган ўсимлик ўсади. Унинг нўхатдек келадиган уруғини еган одам 30-35 дақиқа мобайнида ҳеч қандай сабабсиз қотиб-қотиб кулади, сўнг қаттиқ уйкуга кетади. Маҳаллий аҳоли “кулгу уруғлари”дан тиш оғриғини тўхта-тишда фойдаланади.

Бамбук ҳаёти мобайнида бир мартагина гуллайди. Аммо унинг гуллаши нобуд бўлишидан далолат беради. Қуриб қолиши занжир реакциясидек бошқа бамбуклар орасида ҳам тарқалади. Зеро, бамбуклар ер остида илдизлари билан ўзаро боғланган. Улардан бири гулладими – ҳаммаси ҳалок бўлади. Гуллаш бошланган жойдан олинган ва ҳатто бошқа давлатларга олиб бориб экилган кўчатлар ҳам улар билан бир вақтда қуриб битади. Бамбук минглаб чақирим масофага “ахборот”ни қандай узатиши ҳалигача номаълум.

Котляр лўлиларида шундай ривоят бор. Агар хонадонда одам ўлса, бу уйни инсу жинс эгаллар эмиш. Шунинг учун ҳам лўлилар омонат уйларда яшашар экан. Мабодо кимдир қазо қилса, бундай кулбани ташлаб кетишади.

Соат мили чапдан ўнг томонга ҳаракатланади. Нима учунлигини биласизми? Чунки қуёш соатларида ҳам соя айнан шундай йўналишда илдамлайди.



Оила янгиликлари

ХИЁНАТ ВА ЖАЗО

Қозонлик 34 яшар аёл эрини хиёнат устида тутиб олди. У жаҳл отига миниб хонадоннинг ағдар-тўнтарини чиқара бошлади. Рақибаси қочиб муваффақ бўлди, аммо эри оладиганини олди.

Аёл хиёнаткор умр йўлдошини калтаклаб хуморидан чиққач, “висолхона”нинг ёғоч эшигини ташқаридан михлаб, темир эшигини кулфлади-да, калитини синдириб кетворди.

Шўрлик эр кутқарув хизматида сим қоқишга мажбур бўлди. Кутқарувчилар темир эшикни аралашди, шифокорлар эса унча эшик тирқишидан “маҳбус”га доридармон бериб туришди. Сўнг уни зудлик билан касалхонага ётқизишди. У соғайгач, ишхонасига қарашли бўлган, ағдар-тўнтари чиққан хонадонни таъмирлаши, кутқарувчиларга хизмат ҳақини тўлаши лозим.

Тавбасига таянган эр “безори” хотинига нисбатан жиноят иши қўзғатмасликка терговчини зўрға кўндирди.

“Бу ҳаммаси менинг айбим – деди у. – Олган жароҳатларим эҳтиётсизлигим оқибати. Ҳеч ким мени чертгани ҳам йўқ”.

ГҲДАК «ТИЛИ»

Британиялик олимларнинг аниқлашича, олти ойлик гўдаклар ҳам катталар билан “тиллаша олишар” экан. Улар махсус дастур асосида “таҳсил олгач” оч қолишгани, чанқашгани, таглари хўл бўлганини “айта” бошлашди. Фақат оддий тилда эмас, имо-ишоралар ёрдамида.

Олимлар бу “тил”ни бутун дунё бўйлаб ёйишни режалаштиришяпти. Мазкур усул боланинг одатдаги тили чиқишига ҳеч қандай салбий таъсир қилмас экан.

ЭРНИ БОЙ ҚИЛАДИГАН ХОТИН

Буюк Британияда уй бекалари учун махсус курс очил-

ди. Унда пулни тежаб-тергаб ишлатишни билмайдиган аёллар таҳсил олишади. Аксар инглиз аёллари (худди бошқа миллат вакилларига ўхшаб) ҳамёнларига эмас, кўнгилларига қараб харид қилишади. Ой охирида пул тугаб қолгач эса эрларининг маоши камлигидан нолишади.

20.00 "КОМИССАР НАВАРРО". Телесериал.
22.00 "Момент истины".
23.05 Л. Чурсина и Р. Адомайтис в детективе "ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ". 1-я и 2-я серии.
1.40 "События. Время московское".
1.50 Спортивный экспресс.
2.25 "Деликатесы".
2.55 Серебряный диск.

ТВЦ

9.10 "Москва на все времена". Док. сериал.
9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей.
10.30 АВВГ Дейка.
11.00 Мультсериал "Кентервильское привидение". "Голубый щенок".
11.45 Музыкальная программа "Полевая почта".
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автострады.
13.45 Т. Дороница в фильме "КАПЕЛЬ".
15.15 "Икар и мудрецы". Мультфильм.
15.25 В. Коклюшкин в передаче "Приглашает Борис Ноткин".
16.00 "События. Время московское".
16.15 "Алфавит". Телеигра.
16.55 "21-й кабинет".
17.25 "Удивительный мир животных". Телесериал.
17.50 "Тараканице". Мультфильм.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 "Ностальгия". Воспоминания о будущем.
20.00 "КОМИССАР НАВАРРО". Телесериал.
22.00 "Момент истины".
23.05 Л. Чурсина и Р. Адомайтис в детективе "ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ". 1-я и 2-я серии.
1.40 "События. Время московское".
1.50 Спортивный экспресс.
2.25 "Деликатесы".
2.55 Серебряный диск.

ТВЦ

9.10 "Москва на все времена". Док. сериал.
9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей.
10.30 АВВГ Дейка.
11.00 Мультсериал "Кентервильское привидение". "Голубый щенок".
11.45 Музыкальная программа "Полевая почта".
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автострады.
13.45 Т. Дороница в фильме "КАПЕЛЬ".
15.15 "Икар и мудрецы". Мультфильм.
15.25 В. Коклюшкин в передаче "Приглашает Борис Ноткин".
16.00 "События. Время московское".
16.15 "Алфавит". Телеигра.
16.55 "21-й кабинет".
17.25 "Удивительный мир животных". Телесериал.
17.50 "Тараканице". Мультфильм.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 "Ностальгия". Воспоминания о будущем.
20.00 "КОМИССАР НАВАРРО". Телесериал.
22.00 "Момент истины".
23.05 Л. Чурсина и Р. Адомайтис в детективе "ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ". 1-я и 2-я серии.
1.40 "События. Время московское".
1.50 Спортивный экспресс.
2.25 "Деликатесы".
2.55 Серебряный диск.

ТВЦ

9.10 "Москва на все времена". Док. сериал.
9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей.
10.30 АВВГ Дейка.
11.00 Мультсериал "Кентервильское привидение". "Голубый щенок".
11.45 Музыкальная программа "Полевая почта".
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автострады.
13.45 Т. Дороница в фильме "КАПЕЛЬ".
15.15 "Икар и мудрецы". Мультфильм.
15.25 В. Коклюшкин в передаче "Приглашает Борис Ноткин".
16.00 "События. Время московское".
16.15 "Алфавит". Телеигра.
16.55 "21-й кабинет".
17.25 "Удивительный мир животных". Телесериал.
17.50 "Тараканице". Мультфильм.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 "Ностальгия". Воспоминания о будущем.
20.00 "КОМИССАР НАВАРРО". Телесериал.
22.00 "Момент истины".
23.05 Л. Чурсина и Р. Адомайтис в детективе "ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ". 1-я и 2-я серии.
1.40 "События. Время московское".
1.50 Спортивный экспресс.
2.25 "Деликатесы".
2.55 Серебряный диск.

ТВЦ

9.10 "Москва на все времена". Док. сериал.
9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей.
10.30 АВВГ Дейка.
11.00 Мультсериал "Кентервильское привидение". "Голубый щенок".
11.45 Музыкальная программа "Полевая почта".
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автострады.
13.45 Т. Дороница в фильме "КАПЕЛЬ".
15.15 "Икар и мудрецы". Мультфильм.
15.25 В. Коклюшкин в передаче "Приглашает Борис Ноткин".
16.00 "События. Время московское".
16.15 "Алфавит". Телеигра.
16.55 "21-й кабинет".
17.25 "Удивительный мир животных". Телесериал.
17.50 "Тараканице". Мультфильм.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 "Ностальгия". Воспоминания о будущем.
20.00 "КОМИССАР НАВАРРО". Телесериал.
22.00 "Момент истины".
23.05 Л. Чурсина и Р. Адомайтис в детективе "ДОСЬЕ ЧЕЛОВЕКА В МЕРСЕДЕСЕ". 1-я и 2-я серии.
1.40 "События. Время московское".
1.50 Спортивный экспресс.
2.25 "Деликатесы".
2.55 Серебряный диск.

ТВЦ

9.10 "Москва на все времена". Док. сериал.
9.35 "Отчего, почему?" Программа для детей.
10.30 АВВГ Дейка.
11.00 Мультсериал "Кентервильское привидение". "Голубый щенок".
11.45 Музыкальная программа "Полевая почта".
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.

СПОРТ + ФУТБОЛ



Футбол бўйича Ўзбекистон XI миллий чемпионати якунла-нишига яна икки тур қолди. Биринчиликнинг голларга бой бўлган 28-тур беллашувлари олий лигадаги вазиятни янада кескинлаштириб юборди.

марта аниқ нишонга олди. Ҳақиқатан ҳам, ўйин тугашига беш дақиқа қолганда "Пахтакор"нинг туркманистонлик легионери Гочкули Гочкулиев 11 метрлик белгидан ўзининг чемпионатдаги ўн тўртинчи голини

ки бўлган "Қизилқум" ўз майдонида "Дўстлик"ни 1:0 ҳисобида мағлуб этди ва жадвалда учинчи ўринга кўтарилиб олди. Чемпионат поёнига яқинлашган сари аутсайдерлар орасида-

«ПАХТАКОР» - МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ!

Ушбу турнинг асосий воқеаси Тошкентда бўлди. Мавсум бошидан қарвонбошилиқ қилаётган "Пахтакор" жамоаси мuddатидан олдин уч қарра мамлакат чемпионлигига айланди.

"Пахтакор" ўз майдонида "Самарқанд-Д" жамоасини қабул қилишдан олдин тошкентликларни чемпионликдан атиги икки очко ажратиб турганди. Пахтакорчилар чемпионатнинг олтин медалларига бундан олдинги турда Зарафшонда эришишлари ҳам мумкин эди. Бироқ "Пахтакор" меҳмонда "Қизилқум" билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади ва яхшигина имкониятни бой берди. Хуллас, жамоа самарқандликларга қарши ўйинга чемпион бўлиш учун тушди.

Учрашувнинг биринчи бўлимидаёқ мезбонларнинг иқтидорли хужумчиси Александр Гейнрих рақиб дарвозасини икки

киритди. Ҳақиқатан ҳам, ўйиннинг сўнгги дақиқасида жароҳати эндигина битган Миржалол Қосимов "Самарқанд-Д" дарвозасига тўртинчи тўпни йўллади. Ҳалабадан сўнг "Пахтакор" энг яқин таъкибчиси - "Нефтчи"дан 11 очко илгариллаб кетди. Энди фарғоналиклар қолган ўйинларда ғалаба қозонган тақдирда ҳам пахтакорчиларга етолмайдилар.

Ушбу турда учинчи ўринни эгаллаш учун яхшигина имкониятига эга бўлган "Насаф" йирик ҳисобда мағлубиятга учради. Чемпионатни ўртамаёна жамоалар сирасида якунлаётган "Металлург" қашқадарёликларни қабул қилиб, учрашувнинг иккинчи бўлимида меҳмонлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллади. Бу мағлубият "Насаф" учун қимматга тушиши мумкин. Чунки бронза медаллар учун қашқадарёликларнинг ягона рақобатчи-

ги кураш кескинлашиб бормоқда. Анча пайт жадвалнинг биринчи лигага "йўлланма" берадиган погоналарида юрган "Машъал" Муборақда "Сўғдиёна" устидан 1:0 ҳисобида зафар қучди ва 12-ўринга ўрнашиб олди. "Сўғдиёна" эса сўнгги поғонада турибди.

"Бухоро" жамоасини қабул қилган "Трактор" ўтган турдаги-дек 2:3 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашув тугашига икки дақиқа қолганда ғалаба тўпини йўллаган "Трактор" футболчилари ҳам жадвалдаги мавқеаларини бир оз яхшилаб олишди.

"Андижон" ва олий лигада қолиш ҳаракатида бўлган "Кўқон-1912" жамоалари баҳсида дарвозаларга саккизта тўп киритилди. Кўқонликлар дарвозасини тўрт марта аниқ нишонга олган "Андижон" хужумчиси Б. Ҳамидуллаев чемпионат тўпураги деган шарафли номга эришиш учун яхши

имкониятга эга бўлди. Ушбу учрашувда 5:3 ҳисобида мезбонлар ғалаба қозонди ва жадвалдаги ўрнини мустаҳкамлаб олди. Кўқонликларни эса қуйи лига ваҳимаси ҳали тарқ этганича йўқ.

Мусобақа жадвалида ўн бешинчи ўринни эгаллаб турган "Зарафшон" Наманганда "Навбахор"дан 1:4 ҳисобида мағлубиятга учраб, қийин аҳволга тушиб қолди. Ҳозирча бу жамоа "Сўғдиёна" билан бирга бир хил - 25 тадан очко тўплаб, охириги икки погонани эгаллаб турибди.

Шундай қилиб, "Пахтакор" мuddатидан олдин XI миллий чемпионат олтин медалларига сазовор бўлди. Айрим сабабларга кўра, чемпионат учрашувларини бошқа жамоаларга нисбатан кам ўтказган пахтакорчилар энди қолган тўртта ўйинда расмиятчилик учун майдонга тушади. Бироқ бу билан "Пахтакор" иштирокидаги ўйинлари зерикарли ўтади,

деб бўлмайди. Тошкентликлар 19 ноябрь куни 17-турнинг қолдирилган учрашувини ўтказиш учун "Машъал" меҳмони бўлиб, 0:2 ҳисобида мағлуб бўлдилар. 21 ноябрь куни эса "Сурхон" "Пахтакор"ни қабул қилади. Мазкур икки жамоа хавфли зонада бўлгани учун иложи бори-ча янги чемпиондан очко олишга ҳаракат қилади.

Шунингдек, 29-турда совриндор жамоалар номига ҳам аниқлик киритилиши мумкин. Қаршида "Насаф" асосий рақиб "Қизилқум"ни қабул қилади. "Нефтчи" эса "Дўстлик" меҳмони бўлади.

Хуллас, чемпионат энг кескин паллага кирди. "Нефтчи", "Қизилқум", "Насаф" медаллар учун курашни давом эттирсин, "Сурхон", "Трактор", "Кўқон-1912", "Зарафшон" ва "Сўғдиёна" биринчи лигага тушиб кетмаслик илинжида майдонга тушади.

21 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Пахтакор"	27	23	2	2	81-14	71
2. "Нефтчи"	27	19	3	5	68-29	60
3. "Қизилқум"	28	18	4	6	64-30	58
4. "Насаф"	28	18	3	7	57-32	57
5. "Металлург"	28	13	6	9	39-34	45
6. "Навбахор"	28	13	4	11	49-36	43
7. "Бухоро"	28	12	4	12	36-49	40
8. "Дўстлик"	28	11	2	15	33-39	35
9. "Андижон"	28	9	5	14	39-56	32
10. "Машъал"	28	9	5	14	33-51	32
11. "Самарқанд-Д"	28	9	4	15	24-43	31
12. "Сурхон"	28	9	3	16	34-49	30
13. "Трактор"	28	8	5	15	35-58	29
14. "Кўқон-1912"	28	8	2	18	28-59	26
15. "Зарафшон"	28	7	4	17	35-52	25
16. "Сўғдиёна"	28	7	4	17	27-51	25

ЭНГ КЕКСА БЕЗОРИ

Буюк Британияда футболни қаттиқ севишади. Ҳатто мухлислар қизикқонлиги билан ҳам ажралиб туради. Яқинда Буюк Британиядаги энг кекса футбол безориси аниқланди.

73 ёшли Эдвард Смит рақиб жамоа мухлисини ҳушини йўқотгунча дўппослаб, "қахрамонлик" кўрсатди. Бунинг эвазига у сеvimли жамоаси аъзолигидан вақтинчалик махрум этилди.

Бу воқеа "Милденхолл таун" ва "Лостофт таун" ўйини давомидида содир бўлди. "Лостофт таун" мухлислари ўзларининг иримига биноан жамоаларини барабанлар садоси остида қўллаб-қувватлаётган эди. Уэльс қироллик ўқотарлари барабанчилари бўлинмаси собиқ хизматчиси - Дэвид Энсли ҳам барабан чалишга берилиб кетганди. Бу шу ерда ўтирган Смитга ёқмади ва у Дэвиддан дарҳол барабани

дупирлатишни тўхтатишни талаб қилди. Талаб қондирилмагач, Смит уни ётқизиб, бошини ўриндиққа бир неча марта урди. Ҳушидан кетган Д. Энсли касалхонага ётқизилди. Смит эса ғалабани нишонлаш учун пивохўрликка кетди.

Суд кекса зўравон етказган жисмоний зарари учун 200 фунт миқдоридида компенсация тўлаши лозимлиги ҳақида ҳукм чиқарди.


Лекин Смит айбига икром бўлмай Дэвидни билмасдан туртиб юборганини таъкидлади. - Мен ҳеч қандай тентаклик қилмаганимга аминман, - деди Буюк Британиянинг энг кекса футбол безориси.

Боҳир БЕК.



МАРИНА ҒАЛАБАГА ИШОНАДИ

Спорт оламида мамлакатимиз шарафини йирик халқаро мусобақаларда ҳимоя қилаётган самбочи қизларимизнинг номи яхши таниш. Марина Қодирова, Дилором Қамбарова, Гулмира Жамолова, Дилшода Абдурахмонова... Уларнинг барчаси айни пайтда республика ИИВ Академияси тингловчиларидир.



Самбочилар жамоасининг ҳақиқий етакчиси Марина Қодирова ҳақида икки оғиз сўз. У уч марта жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, номи 2000-2001 йилларда Ўзбекистондаги энг кучли спортчилар каторида эътироф этилган. Япония, Корея, Туркия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда ўтказилган нуфузли турнирларда ишончли ғалабаларни қўлга киритган.

Марина келажакда терговчи бўлиш ниятида. Чемпион шунингдек, қўшиқ айтиш, ошхонада куймаланишни яхши кўради. Ҳозирда у дугоналари билан ноябрь ойининг охирида олис Панамда ўтадиган Жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўрмоқда.

А. ЖАНИЕВА.

Суратда: М. Қодирова.

ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУИ

Ислохотлар туфайли ички ишлар идораларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ходимларнинг жисмоний ва касбий тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Хоразм вилояти ИИБ

раҳбарияти томонидан бу борада бир қатор ишлар қилинди. "Динамо" спорт мажмуи бундан бир неча йил муқаддам қурилган бўлиб, замон талабига жавоб бермасди. Ўтган йили ўйингоҳ-

ни қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Мақтаб ўқувчиларининг республика миқёсидаги "Умид ниҳоллари" ўйинлари ўтказилаётгани ҳам бу ишга туртки бўлди. Эндиликда бу ерда нафақат милиция ходимлари, балки мақтаб ўқувчилари, шу атрофдаги "Умид" ва "Юлдуз" маҳаллаларининг болалари спорт билан шуғулланиб, саломатликларини яхшилаш имкониятига эга бўлишди.

Ўйингоҳда замонавий футбол, баскетбол, волейбол, гимнастика майдонлари, теннис корти барпо этилди. Шу ерда яна бир хайрли ишга тўхталиб ўтиш лозим. ИХХБ ҳузуридаги қурилиш-монтаж бошқармаси ходимлари мақтаб ўқувчилари учун автомайдонча туҳфа қилдилар. Бу майдонча ўқувчиларнинг йўл-ҳаракати қондаларини амалий ўрганишларида жуда қўл келади.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Суратда: "Динамо" спорт мажмуи очилиши пайти.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.



ҒОЛИБЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

Самарқанд ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида вилоят биринчилиги учун қўл жанги мусобақалари бўлиб ўтди. Қизгин баҳслардан сўнг ўз вазни тоифаси бўйича вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимларидан тузилган гуруҳ биринчи, Ёнги хавфсизлиги бошқармаси спортчилари иккинчи ўринларга сазовор бўлдилар. Вилоят ИИБ ҳузуридаги "Қуриқлаш" бошқармаси спортчиларига учинчи ўрин насиб этди. Ғолибларга республика мусобақасига йўлланма ва қимматбаҳо мукофотлар берилди.

С. ОСМАНОВ,

милиция лейтенанти.

Халқ истаги, Балиқ тури, Овоз, Сибир дарёси, Япония шаҳри, Олий жазо, Шохматдаги ҳолат, Харбий унвон, 1, Либос қисми, Тугма, Мумтоз ашула, Спорт, Хотима, Қуёш, Дунай ирмоғи, 2, Синов, ...ор, ...боб, Рус рассоми, Мажбурий вазифа, 3, Осиё давлати, Жануб худуди, Қаромат, 4, Фарход ... Ширин, Тараққиёт, 5, Яқин, Куш аъзоси, Обид..., Япон либоси, Гина, Тизимча, Пардоз ашёси, Хурсанд, Хатли алоқа, Улуғ аجدод, Шеър, Махсус хона, Илтижо, Қайғу, ...дон, ...ум, Физик зарра, Эр нухаси, Араб давлати, Экватор нули, Дарё, Жабҳа, Овқат, Бутун эмас, 7, 8, Хосил етиштириш, Ер нухаси, Араб давлати, Экватор нули, Ранг, ...шом, Ёриткич, Санам, Тур..., 9, Аҳд, ...Замахшарий, Ка..., Хитой ёзуви, Мўйна, Водий, Нота, Содиклик, 10, Бадан, Ёндош хондон, Маъдан, Тилақ, дард, Электрод, Дарё, Маъдан, Калампир, Олқиш, Авто марка, Биллиард анжоми, Ҳашарот, Дарё, 11, Чарм идиш, Яқин киши, Мърифат, Дарахт, Дон маҳсулот, Радио-актив, 12, Шаш..., Са..., Чарм идиш, Яқин киши, Узбек олимаси, Бозор томи, Айб, гуноҳ, Жароҳат, Факультет раҳбари, Немис дарвозабони, 13, Улкан шаршара, Майда утин

9 6 5 12 10 5 — 1 10 11 8 6 11 3 2 7 13 4 12 10 4 6 ■ Тузувчи: Ф.ОРИПОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СониДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Ор. 2. Ислоҳот. 3. Қалб. 4. Маишат. 5. Тумор. 6. Шарқ. 7. Орқа. 8. Ота. 9. Ур. 10. Ориқ. 11. Сарт. 12. Ором. 13. Кана. 14. Ана. 15. Йил. 16. Риони. 17. Том. 18. Қўл. 19. Балл. 20. Обрў. 21. Протон. 22. Бар. 23. Али. 24. Ил. 25. Соҳиб. 26. Из. 27. Ўзбекистон. 28. Баҳодир. 29. Обод. 30. Байроқ. 31. Не. 32. Хут. 33. Тик. 34. Тиббиёт. 35. Ижобат. 36. Бўри. 37. Ориноко. 38. Аз. 39. Ов. 40. Ризо. 41. Намоянда. 42. Айн. 43. Ўй. 44. Логарифм. 45. Осиё. 46. Вилоят. 47. Анқо. 48. Очарчилик. 49. Навқирон. 50. Тот. 51. Капгир. 52. НТВ. 53. Ишқ. 54. Асвон. 55. Йўл. 56. Оғрик. 57. Ибодат. 58. Бас. 59. Го. 60. Коқил. 61. Оят. 62. Касб. 63. Стул. 64. Илик. 65. Ка. 66. Гул. 67. "Аякс". 68. Икра. 69. Кай. 70. Кио. 71. Ота. 72. Тат. 73. Ли. 74. Ки. 75. Республика. 76. Лас. 77. Сули. 78. Лаос. 79. Кафт. 80. Қийма.

«Милиция оқсоқоллари» танловига

Ehtirom

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

... Журналистлик, қаламкашлик осон ишми? Бир табаррук онахон уни игна билан кудук қазिशга қийслаганлари ҳали-хануз эсимда...

Балки, бу касб ҳақида бошқа биров эмас, айнан қаламкашликнинг ўзи қоғоз қоралаши унча ҳам тўғри эмасдир. Ҳар бир жамоада энг яхши кунлар, маросим ва тантаналарда ўзининг беназир маслаҳатлари, панду насиҳатлари билан давралар тўрини гуллатиб ўтирадиган ажойиб, қалби сахий ва меҳрибон кишилари бўлади.

Ҳеч шубҳа йўқки, истеъфодаги ички хизмат подполковниги, тажрибали журналист Ҳамидулла ака Абдуллаев ҳам жамоамизнинг фахрига айланган. У киши бундай мартаба ва иззат-икромга қай тарзда эришдилар? Куйида ана шу ҳақда бир оз тўхталмоқчимиз.

Ҳамидулла ака Тошкентнинг шундай биқинида жойлашган Қатортол қишлоғида таваллуд топди. Тўққиз ёшида отадан етим қолиб, онаси қўлида тарбия олди. Мунаввара ая: "Болагинам, ўқи, ўқисанг одам бўласан!" деб доим насиҳат қилар эдилар. Ўрта мактабнинг юқори синфида ўқиётганида севимли муаллими, шоир Муҳаммаджон Қўшоқов унда ижодкорликка меҳр уйғотди. Шу орзу Ҳамидуллани Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига етаклади. Сўнгра республикамиздаги қатор газеталарнинг тахририятларида меҳнат қилди.

1965 йилнинг июль ойи. Бир куни унга "Ғунча" журналининг масъул котиби

Маҳмуд Муродов қўнғирок қилиб қолди. Ҳамидулла қўнғирокдан сўнг у кишининг ёнига борди.

— Ўтир-чи, акаси, — деди М. Муродов. — Ёзганларингни анчадан бери кузатиб келаман. Рус тилини яхши биласан, бадиий таржималаринг ҳам ёмон эмас. Куни кеча менга Ички ишлар вазирлиги газетасидан қўнғирок қилишди. Уларга малакали таржимон керак экан. Сени айтдим. Албатта бор, ишлаб кетишингга ишонаман.

Эртасига у "Постда" — "На посту" газеталарининг Бош муҳаррири Собир Салаев билан учрашди. У Ҳамидулла билан анча суҳбатлашди, кўп нарсаларни сўраб-суриштирди. Кейин қўлига машинкада ёзилган саккиз

қоғозли русча матнни тутқазиб, таржима қилиб беришини сўради.

Хуллас, Ҳамидулла синовдан яхши ўтиб, 1965 йилнинг 22 июлидан тахририятда таржимон бўлиб ишлаб бошлади. Ишга аста-секин кўникиб борди. Билмаганини бош муҳаррирдан, бошқа ходимлардан сўраб ўрганди. Кўп ўтмай уни катта йўриқчи, кейинроқ эса масъул котиб лавозимига тайинлашди.

Мақолаларни синчиклаб тахрир қилиш, макет чизиш, материалларни босмаҳонага кўрсатилган вақтда етказиб

нусадада чоп этиларди. Бунда албатта, Ҳ. Абдуллаев каби заҳматкаш журналистларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Тўғри, кейинчалик юқоридан берилган кўрсатмага биноан газеталар ёпиб қўйилди. Ўша кезлари вазирлик тизимига малакали, меҳнаткаш, тиришқок, шу билан бирга қалами ўткир кадрлар керак эди. Ҳ. Абдуллаев ўзининг келгуси фаолияти, тўғрироғи, ҳаётини ҳамиша севиб, тарғиб-ташвиқ қилиб келаётган соҳага тўлиқ бағишлади. У кейинги йилларда вазирликнинг турли



Истеъфодаги ички хизмат подполковниги Ҳамидулла ака Абдуллаев бугунги кунда ҳам ҳормай-толмай изланиб, ижод қилиб келмоқдалар. Нашрларимиз саҳифаларида "Ҳ. Абдуллаев" имзоси остида чоп этилаётган қизиқарли бошқотирмалар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Тахририятга келаётган кўплаб мактублар ва телефон орқали билдирилаётган мулоҳазалар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Жамоамизга ҳар сафар очик чехрали ва камтарин бу инсон ташриф буюрганида барчамизнинг қалбимиз қувончга тўлади. Ҳаракатлари чаққон, ҳамон навқирон фахриймиз билан яна дийдорлашаётганимиздан чехрамиз ёришади, унинг пурҳикмат сўзларидан чарчоқларимиз ёзилиб, танамизга қувват қўшилади.

Жонқуяр фахрий, толмас журналист Ҳамидулла ака Абдуллаевга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Суратда: истеъфодаги ички хизмат подполковниги Ҳ. Абдуллаев.

ҲАМОН САФДА

ШУНДАЙ
ИНСОН БОР

Қашқадарё вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси тизимида узоқ йиллар ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган инсонлар кўпчиликини ташкил этади. Улар ҳолидан хабар олиш, яхши-ёмон кўнларида ҳамдард бўлиш вилоят ИИБ ЁХБ раҳбарияти, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги кенгаши аъзоларининг доимий эътиборида. Истеъфодаги ички хизмат майори Абдиджалил Қосимов ҳам доимий иззатда бўлган кўп сонли фахрийлардан бири.

Абдиджалил ака 1995 йилдан буён ўзи истиқомат қилаётган Касби тумани марказидаги "Дўстлик" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишламоқда. Ушбу ҳудудда 18 миллат вакилларида иборат тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалланинг ўзига яраша қувончу ташвишлари бор. Фуқаролар кўнглига йўл топа билиш, уларнинг дардига малҳам, қувончига ҳамдам бўлиш учун киши ҳаётининг аччиқ-чучугини

тотиган, оқ-қорани таниган бўлиши зарур. Маҳалладошлар А. Қосимовни яқиндан билганликлари, унга ишонганликлари боис ҳам ўзларига йўлбошчи қилиб танлашган.

А. Қосимов ўрта мактабни тугатгач, шу илмгоҳда тарбиячи бўлиб иш бошлади. Кейин йигитлик бурчини адо этди. Хизматдан қайтгач ҳайдовчилик касбини эгаллади. 1971 йилда уни туман ИИБ ўт ўчирувчилар қисмига бошлиқ этиб тайинлашди. Шу тариқа ҳаёти-

да кескин ўзгариш бўлиб, бир умр ички ишлар хизмати билан боғланиб қолди. Иш фаолияти давомида Олмаота ўт ўчирувчилар махсус мактабини сиртдан ўқиб тугатди. Россия шаҳарларида бир неча марта малака оширди.

Дастлаб иш бошлаган йиллари бўлимда етти нафар ходим ишлаган бўлса, вақт ўтиши билан улар сафи кенгайди. А. Қосимов 1994 йилда ички хизмат майори унвони билан пенсияга чиқди.

Бугунги кунда унинг шогирдлари соҳада муваффақиятли хизмат қилишмоқда. Ички хизмат капитани Низом Айизов, ички хизмат катта лейтенанти Қахрамон Асадов ва бошқалар устоздан бир умр миннатдор.

Абдиджалил Қосимовнинг рафиқаси Роза опа олий маълумотли педагог. У ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахшида этган. Ҳозирги кунда пенсияда. Фарзандлар камолини кўриб, умр йўлдоши билан қўша қарияпти. Қизлари Анара, Дилфуза, Дилором, Гулноралар она касбини танлашди. Оилали, уйли-жойли бўлиб кетишган. Ўғил Умиджон эса ҳеч иккиланмай ота изидан борди. Ҳозирда у Қарши шаҳар 1-ХЕХҚ смена бошлиғи вазифасида хизмат қилмоқда. Ички хизмат капитани.

Истеъфодаги ички хизмат майори Абдиджалил Қосимов каби доно, фидойи, куюнчак одамлар бор экан, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлаверади.

С. АМИНОВА.

Суратда: А. Қосимов. Суратни О. ПРИМОВ олган.

ЖАМИЯТИМИЗ
КЎРКИ

Абдурахмон ака Раҳмонов асли Ургутнинг Омонқўтон қишлоғидан. Ўсмирлигидан милиция ходими бўлишга интилган Абдурахмон аканинг орзуси ушалди.



Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, у Самарқанд Давлат университетини битириб, йўлланма билан ички ишлар идораларига ишга келди. Роппароса 25 йил самарали хизмат қилиб, милиция подполковниги унвонида нафақага чиқди. У милициядаги кўп йиллик меҳнатини фақат қўриқлаш хизматида бағишлади.

У киши катта оиланинг соҳиби. Фарзандлари комил, билимдон инсонлар бўлиб вояга етишмоқда.

Орамизда Абдурахмон ака сингари яхши инсонлар бор экан, фаровон келажакка бўлган ишончимиз янада ортади, — дейди у кишининг маҳалладошлари фахр билан.

А. ҒУЛОМОВ,

Суратда: истеъфодаги милиция подполковниги А. Раҳмонов.

СИЗНИ ҚЎМСАБ...

Ҳар гал милиция ходимларининг Касб куни хонадонимизда катта тантананага айланарди. Ҳа куни албатта тансиқ таом тайёрлаб дадажонимизни кутардик. Оиламиз устун, меҳрибон отамиз бутун умрини милиция хизмати бағишлаганлардан бири эдилар.

Дадам — Абдуҳафиз Каримов 25 йилдан ортиқ Бекобод тумани ички ишлар бўлимида ишладилар. Оддий ходимликдан бўлинма бошлиғи лавозимига кўтарилдилар. Кўп йиллар профилактика инспектори сифатида хизмат қилдилар, милиция майори эдилар.

Бешафқат ўлим дадажонимни бағримиздан олиб кетди. Мана иккинчи йилдирки, оиламизда меҳрибон падари бузрукворимизнинг руҳлари яшайпти. Албатта, ҳамма оталар фарзандлари, айниқса қизларига меҳри бошқача бўлади. Ишдан келганларида қўлларига сув қуйиб, ўтирсалар дам олинг дея ёнларига ёстиқ қўярдим.

Ўғил-қизлар, азиз онажонимиз учун армон бўлиб қолаётгани, дадажонимиз яхши ниятлар билан бизларни тарбиялаб вояга етказиб, роҳатини кўрмай кетдилар.

Дадажонимизнинг ҳамкасблари келиб туришади, яхши кунларни, воқеаларни эслаб, кўнглимизга таскин беришади. Жамоадаги ҳурмат ва эътиборларини кўриб, шундай инсоннинг фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз.

Наргизахон АБДУҲАФИЗ қизи.



Рамазон дуолар қабул, гуноҳлар мағфират бўладиган улуғ ой. Бундай муборак кунларда илгари аразлашганлар ярашишади, одамлар бир-бирининг кўнглини олишга, фақат савобли амаллар қилишга интилишади. Ўтганларни ёд этиш, уларнинг ҳақиқа дуо қилиш ҳам ана шундай солиҳ амаллардандир.

Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ёдномалар унда ўз ифодасини топган дил сўзлари марҳумлар руҳини шод этса, не ажаб. Илоҳим, уларнинг охирати обод бўлсин.

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Милиция полковниги Абдулла Маҳкамов 1946 йили Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида таваллуд топган. Ундаги санъатга қизиқишни кўрган отаси ўн яшарлигида Тошкентдаги мусиқа мактабига ўқишга берди.

Абдулла Маҳкамов мусиқа мактабини битириб, Низомий номли Тошкент Муаллимлар тайёрлаш институтининг мусиқа бўлимида хор дирижёрлиги бўйича таҳсил олди. Турмуш ўртоғи Сабиҳа опа билан талабалик йиллари танишиб, турмуш қуришди. Институтни битириб шу ернинг ўзида бир йил ишлади. Сўнг ҳарбий хизматга чақирилди.

Абдулла ака ҳарбий хизматдан қайтиб, институтда кўп ишламади. У 1973 йили Ички ишлар вазириликнинг Хорижга чиқиш келиш ва фуқаролик бошқармасида инспектор бўлиб ишлай бошлади. Меҳнатқашлиги, ҳар бир ишни пухта бажариши, хушмуомалали-

ги боис Тошкент шаҳар ИИББ ХЧКваФБ бўлим бошлигининг ўринбосари этиб тайинланди. Узоқ йиллар шу лавозимда ишлади. Иш фаолияти давомида юзлаб ёшларни вазифасига ҳалол, виждонан ёндашувчи кадрлар қилиб тарбиялади.

Шулардан бири, бугунги кунда Зангиота тумани ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция майори Расулжон Содиқов устозини ҳурмат билан эслаб шундай дейди:

— Абдулла Маҳкамов ажойиб инсон эди. У мурожаат қилиб келган фуқароларга ҳужжатларидаги камчиликларни ётиғи билан, эринмай тушунтирарди. Бирор киши ундан хафа бўлиб кетмасди.

Ўтганлар ёди

Паспортни шундай варақлаб, қай тарзда расмийлаштириш, қандай ҳужжатлар тайёрлаш кераклигини бехато айтиб берарди. Абдулла акадан кўп иш ўргандим, афсуски устозимиз ҳаётдан эрта кетдилар. Ҳозир ҳам баъзи муаммоли ишлар чиқиб қолса: “Шундай пайтда Абдулла ака қандай ҳал этган бўлардилар?” — деб ўйлайман. Аксар ҳолларда тўғри қарор қабул қилганим иш натижасидан маълум бўлади.

25 йилдан ортиқ муддат ички ишлар идораларида хизмат қилиб, 1999 йилда пенсияга чиққан Абдулла ака узоқ яшамади. Айни пайтда у кишининг фарзандлари ҳам ота изидан бориб, ички ишлар идораларида фаолият кўрсатишмоқда. Катта қизи Саодат “Манзиллар бюроси”да, иккинчи қизи Нафиса эса Акмал Икромов тумани паспорт бўлимида ҳалол хизмат қилишмоқда. Ўғли Шухратжон 12 ёшда. Унинг ота касбига қизиқиши катта, ҳозир мактабда аъло баҳоларга ўқиб, каратэ, футбол тўғрақларида қатнайд.

Ҳар бир инсондан яхши ном ва қобил фарзандлар қолгани қандай яхши. Аслида ҳаётнинг мазмуни ҳам шу эмасми?

Баҳром ҒОЙИБ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

Қарор ва ижро

ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Мамлакатимиз ҳудудидан товар-моддий бойликларни ноқонуний равишда четга олиб чиқиш, қўшни давлатлардан турли хил маҳсулотларни ноқонуний олиб киришининг олдини олиш, ички бозорларимизда сифатли маҳсулотлар сотилишини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, республикамизнинг чегара ҳудудларидаги йўллар қатъий назоратга олинган.

Тошкент вилояти ИИБ ходимларининг бу борадаги ишлари самарали бўлмоқда. Жойларда жиноят қидирув, патруль-пост, йўл-патруль ва бошқа хизмат ходимларидан иборат гуруҳлар чегара ҳудудларидаги постларда туриб айрим кимсаларнинг контрабанда йўли билан турли хил маҳсулотларни республикамиздан олиб чиқиш ва олиб киришга уринишларини фош этишяпти. Тадбирларга маҳалла ва чегара посьонлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари ҳам жалб этилмоқда.

Вилоят ИИБ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори талабларига хилоф равишда иш тутиб, ноқонуний йўл билан товар олиб чиқиб кетаётган ва олиб келаётган

522 та ҳолат аниқланди. 18 та ҳолат бўйича жиноий иш кўзга тилиди, 504 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Масалан, Бекобод тумани Зафар қўргонида яшовчи П. Толиб “Зил — 130” русумли юк машинасида 5 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб келаётганда ушланди. Яна шу туманлик М. М. “ПАЗ — 372” русумли автобус ҳайдовчиси М. С. билан жиноий тил бириктириб, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб ўтаётгани аниқланди. Қибрай туманида жойлашган “Май” чегара масканида вилоят ИИБ ЙХХБ йўл-патруль хизмати ходими И. Болтабоев ва профилактика инспектори И. Буланхўжаевлар айланма йўл билан бораётган “ВАЗ — 2106” русумли автомашинани текширилганларида Чирчик шаҳрида яшовчи Р. С. умумий нархи 200 минг

сўмлик кир ювиш воситаси ва истеъмол ёғини олиб келаётгани фош бўлди. Тошкент туманидаги Тўлабий ширкат хўжалиги ҳудудига вилоят ИИБ ЙХХБ ЙПХ ходимлари А. Икромов туманида яшовчи З. Сотволди бошқарувидаги “ВАЗ — 21013” русумли автомашинани тўхтатганларида юкхонадан 110 дона ҳужжатсиз ароқ чиқди. Яна йўл-патруль хизмати ходимлари Тошкент туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудига С. Раҳимов туманида яшовчи Ю. Ориф “ГАЗ — 2410” русумли автомашинани ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 212 минг сўмлик газлама олиб кетаётганини аниқлашди.

Вилоят ИИБ ходимлари бу борадаги тадбирни давом эттириб, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Шерали АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

ЙПХ масканида ўз хизмат вазифасини бажарётган милиция капитани Муроджон Зиддинов ва милиция сержанти Мараим Қўчқоров мазкур юк машинасини тўхтатишганда ҳайдовчи бекорга йўналишини ўзгартирмагани маълум бўлди. Фарғоналик Н. Карим бошқарувидаги бу машинага Қўқон шаҳрида яшовчи Ф. Нозима ва К. Арофатлар Қирғизистон Республикасининг Қорасув шаҳридаги бозордан сотиб олинган, умумий қиймати 2 миллион сўмдан зиёд хорижда ишлаб чиқарилган товарларни ҳужжатсиз, айланма йўллар орқали ўз шаҳарлари томон олиб кетишган маълум бўлди.

ЙПХ инспекторлари, милиция старшиналари Акмал Жалилов ва Иброҳим Аловудинов Қорасув шаҳридан келаётган, Наманган шаҳрида яшовчи Р. Олимга тегишли “Москвич” русумли машинани тўхтатишганда, Норин туманида яшовчи Фотима ва Зуҳра Камо-

ЮРТ ЭГАСИЗ ЭМАС

Ярим тунда катта тезликда келаётган юк машинаси ЙПХ масканига яқинлашганда йўналишини ўзгартириб, нотекис йўллар билан Андижон шаҳри томон кета бошлади.

ловалар қўшни давлатдан сотиб олган, умумий қиймати 620 минг сўмлик велюр матосини боғхона тўловларини тўламасдан олиб келаётганликларини аниқланди.

— Гуруҳимиз ходимлари шунга ўхшаш 67 та ҳолатни аниқладилар, — дейди Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ сафарбарлик гуруҳи бошлиғи, милиция капитани З. Мадраҳимов. — Бунда республика Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Булардан ташқари гуруҳимиз ходимлари юртимиздан қўшни давлатга ноқонуний йўллар билан олиб

чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликларни аниқлаш бўйича ҳам муайян ишларни бажаришяпти. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида 347 та ана шундай ҳолат аниқланиб, жами 22 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар четга олиб чиқиб кетилишининг олди олинди. Бунда ЙПХ катта инспектори, милиция капитани Зоҳид Умаров, инспекторлар — милиция сержантлари Қ. Жумабоев, Б. Иброҳимовлар айниқса ўрнатилган кўрсаткичлар.

Юрт бедарвоза эмас. Унинг бойликларини ноқонуний йўллар билан четга олиб ўтилишининг олдини олиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солаемиз.

А. БУЗРУКОВ,
журналист.



Беруний тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Улар мактаблар ва коллежларда турли мавзуларда суҳбатлар уюштиришмоқда.

Суратда: туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ж. Раҳимов (ўртада) навбатдаги тадбир чоғида.

Ҳ. БЕКИМОВ олган сурат.

Жиноят ва жазо

ЕТТИ СОАТДА ОЧИЛГАН ҚОТИЛЛИК

Бола мактабдан кайтдию, эшикка қистириб қўйилган қоғозга кўзи тушиб, бир нафас ҳайрон бўлиб туриб қолди. Сўнгра уни олиб, бувасининг уйига жўнади. У ерда тоғасининг умр йўлдоши уй юмушлари билан банд эди. У бола-нинг қўлидаги қоғозни олиб, "мен пойтахтга, эримни кўргани кетдим" деган ёзувни ўқиди ва қайнонаси хузурига шошилди. Буви воқеадан хабар топгач, келинига:

– Қайнопангиз заруратдан кетиб қолган кўринади, иккинчи калитни олиб уйига бориб, боласининг кийимларини олиб келинг, – деди.

Келин болани етаклаб, қайнопасининг уйига борди ва кўшини чақириб:

– Опажон, келинг уйни бирга очамиз, негадир кўнглим хижил, – дея илтимос қилди.

Улар эшикни очишлари билан хонадаги бесаранжомликни сезишди, тўрдаги хонада эса хонадон соҳибаси Нодирахон (исм ўзгартирилди) юзубан ётарди. Зудлик билан "Тез ёрдам"га кўнғироқ қилишди. Етиб келган шифокор аёлни текшириб кўргач:

– Тезда милицияга кўнғироқ қилинглр, аёл оламдан ўтган, – деди.

Бола ва келин уввос солиб йиглаб юборишди. Кўшни телефонга югурди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас бу ерга туман ИИБ бош-

лиги раҳбарлигида тезкор-тергов гуруҳи етиб келди. Ходимлар суриштирувни бошладилар. Кимдир бир неча кундан буён шу хонадонга милиция ходими либосидаги йигит кириб-чиқиб юрганини билдирди ва:

– Бизнинг тумандан эмасди, акс ҳолда уни таниган бўлардик, – дея у йигитнинг ташқи кўринишини тасвирлаб берди.

Туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, милиция майори Абдумурод Турсунтошев бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Чоршанби Омонов билан Кизирик туманига, бошқа ходимлар эса Бандихон, Ангор, Музработ туманларига жўнаб кетдилар. Орадан бирор соатлар ўтиб қотилликда гумон қилинаётган шахс бир вақтлар милиция мактабида ўқиган ва ўқишдан ҳайдалган Салом исмли йигит, деган хулосага келинди. Чунки гумонланувчи-

нинг ташқи белгилари айнан унга ўхшарди.

Ходимлар гумондорнинг уйига бир неча марта боришди. Лекин ҳар гал унинг хотини "эрим икки кун олдин Тошкентга кетаяпман, дея чиқиб кетган", – деб жавоб берарверди. Қидирув кечаси ҳам давом эттирилди. Ходимлардан иккитаси дала йўлидан милиция ходими либосини топдилар. Чамаси қотил пиёда кетган эди.

Қидирув асносида Қизирик ва Шеробод туманлари туташган жойдаги "Учрашув" деб номланган ошхонада ичкиликдан донг қотиб ухлаб қолган шахс кўздан кечирилди. Гумондор туман ички ишлар бўлимига келтирилди. Қотил ўзига келгач, айбига иқрор бўлди ва бўлган воқеани сўзлаб берди.

– Мархума билан танишганимга кўп бўлгани йўқ, – деди у ерга боқиб. – Бир кеча унинг уйида тунаб қолдим. Едик, ичдик ва... қовушдик. Эртаси у мендан катта пул талаб қила бошлади. Жаҳл устида ўз рўмоли билан бўғдим. У жон берганидан сўнгра эшикни ташқаридан қулфлаб, унинг тилидан хат қолдириб, жўнаб қолдим.

Шеробод тумани ички ишлар бўлимининг барча шахсий таркиби, айниқса, милиция майорлари Абдумурод Турсунтошев, Тоҳир Бегимқулов, милиция лейтенанти Шерали Қорахон, милиция старшини Маматқул Номозовларнинг тезкор ҳаракати туфайли содир этилган қотиллик етти соатда очилди.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

ОҒУ КЕЛТИРГАН ҚАЙҒУ

Тўрткўллик Зияддин Момутов сув ҳўжалиги бошқармасида бинойидек ишлаб юрганди. Оиласи тинч, топиш-тутиши жойида бўлган бу йигитнинг бирдан ҳаловати йўқолди. Самарқанд сафаридан кейин ҳавойи орзулар буткул хаёлини ўғирлади. "Шу ишни бир марта қилиб бойийману кейин йиғиштираман", деган ўйда йўлга чиқди. Уни ургутлик таниши Х. Ҳамроев хушчақчақлик билан кутиб олди. Бир кеча меҳмон қилиб, иззат-икром билан кузатиб қўйди. Зияддин уйига ўзи ўйлагандек эсон-омон етиб келди.

Эндиги вазифа тезроқ миждо топиб, оғуни пуллаш эди. Имкони бўлса кўтарасига бергани яхши, чунки майдалаб ўтирса қўлга тушиши мумкин. У атрофни кузатиб, харидор излаб кўрди. Ниҳоят кўнглидаги одам Туркменистондан топилди. Мол 15 000 АҚШ доллари ва бир миллион сўмга келишилди. Харидор Амударёнинг нариги қирғоғида кутиб турадиган, Зияддин эса молни етказиб берадиган бўлди. "Самарқанддан келишда панд бермадинг, тулпорим", деб "ВАЗ-2106" машинасини ҳайдаб йўлга тушди.

Шу йил 2 августга ўтар кечаси соат бир яримларда кўприкка етиб келган Зияддиннинг бирдан юраги ҳаприқиб кетди. Ахир санокли дақиқалардан кейин миллионер бўлади. "Наҳотки шу рост бўлса. Дарёнинг қирғоғи кўринди, демак хазианага етиб келдим" дея роса ҳавойиланди. Ногаҳон чалинган хуштак хаёлларини учириб юборди. Ёнига келган киши ўзини Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходими, милиция майори Бахтжон Узоқбоев деб таништириб, ҳужжат талаб қилганида бошидан кимдир муздай сув куйгандек бўлди.

Тажрибали изкувар ундан сафар сабабини суриштирганида Зияддин турли баҳоналарни тўқий бошлади. Бундайларнинг кўпини кўрган Бахтжон Узоқбоев бирпасда машина баки ичига устомонлик билан яширилган беш боғламдан иборат, жами 5 кг. 130 гр. қорадорини топиб, холислар иштирокида ҳужжатлаштирди.

Бундай шахслар ҳамма жойда учраши мумкин. Айни куч-қувватга тўлган, фарзандлари бахти учун қайғурадиган пайтида Зияддин узок йиллар оиласидан узоклашади. Рўзғор аравасини хотинининг ёлғиз ўзи тортишга мажбур. Агар у келтирган ва Туркменистонга олиб ўтмоқчи бўлган оғу кўзланган манзилга етиб борганида сон-саноксиз оилалар бундан азият чекишарди. Хулоса эса ўзингизга ҳавола.

Ф. КАРИМБАЕВ,
милиция майори.
Д. ХУДОЙШУКУРОВ.



Қашқадарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими шифохонасининг 1-тоифали шифокори С. Султонов катта иш тажрибасига эга. У хузурига келган ҳар бир ходимнинг дардига нафақат дори-дармонлар, балки хушмуомалалиги билан ҳам малҳам бўляпти.

О.ПРИМОВ олган сурат.

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан мўмай даромад топишни кўзлаган "учар"лардан бирининг фаолиятига чек қўйилди. Фаразли мақсадда лицензиясиз, чақалоқларга мўлжалланган "Малютка-Истринская" маҳсулотини уй шароитида ишлаб чиқаришга журъат этган Ж. Азамат ҳозирда қилмиши учун қонун олдида жавоб бермоқда. У Содиқов билан жинорий тил бириктирган ҳолда иш юритгани аниқланди.

Улар ОТХЖ ходими Н. Шиманов ва босмахона мутахассиси К. Аҳмедовга маҳсулот тайёрлаш учун ҳеч қандай ҳужжатсиз 700 донага буюртма берадилар. Босмахонадан 3000 дона тайёр маҳсус қоғоз идишларни олишади. "Карвонсарой" озик-овқат улгуржи бозоридан ҳар килограмми 2.200 сўмдан бўлган, Россияда ишлаб чиқарилган, ҳар бири 25 килограммлик жами у қоп қуруқ сут аралашмаси (сухое молоко), қоғоз идишларни кесиш мосламаси, қадоқланган тайёр

идишнинг устки томонига ёпиштиришга мўлжалланган 120 дона зар қоғозлар, елим, донаси 11 сўм бўлган 400 дона пластик қошиқчаларни сотиб олдилар. Август ойининг бошларида керакли хом ашё тайёр бўлгач, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Гулрўй кўчасидаги хонадонлардан бирида хуфиёна 400 дона қалбаки "Малютка-Истринская" сунъий сутли ичимлик ишлаб чиқаришади. Сўнгра икковлон дастлабки қўлбола маҳсулот – 20 та яшикка ихчам қилиб жойланган 400 дона "Малютка-Истринская"ни С. Нишонновга "Россия маҳсулоти" деб алдаб, пуллаш режасини тузишади. Аммо 16 август кун тахминан соат 20.00 ларда 840.000 сўм пулни белига тугиб келган миждога энди пуллашаётганда ИИББ ЖК ТҚКБ ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Афсуски, жамиятимизда тубанликка юз тутган ана шундай кимсалар ҳам учраб турибди. Кўриб турганингиздек, улардан бирининг қилмиши фош этилди. Мўмай даромад топаман, дея болажонлар учун қўшимча озукани гайриқонуний йўл билан тайёрлаганларнинг бугун юзлари шувут. Шундай бўлиши ҳам керак.

С. ХАЛИЛОВ.

Сўраган эдингиз...

? – Турмуш ўртоғим билан 2002 йил август ойида никоҳимиз бекор бўлган. Уч нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим ҳозирда мен келин бўлиб тушган ва уй-жой рўйхатида бўлган уйга киргизмаяпти. Катта ҳовли, уй-жойлар қайнотамнинг номида. Фарзандларим билан уй-жой рўйхатида бўлган уйимизда яшаш ҳуқуқим борми?

С. КОМИЛОВА,
Қарши шахри.

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра собиқ хотин (эр) турмуши жараёнида яшаб турган уй-жойга нисбатан оиланинг бошқа аъзолари билан тенг асосда фойдаланиш ҳуқуқига эга. Уй-жой қайнотангиз номида бўлгани сабабли унга эгалик ёки уй-

жойни ўз номингизга ўтказиш ҳуқуқига эга эмассиз.

Ушбу ҳолатда сиз судга даъво ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

Агар уй-жой рўйхатида бўлган қайнотангизнинг уйида олти ойдан ортиқ яшамасангиз, қайнотангиз Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига асосан сизни уй-жой-

дан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ва рўйхатдан чиқариш тўғрисида судга мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотасиз. Улар томонидан сизни уйга киритишмаётгани бундан мустасно.

Савоал жавобни ҳуқуқшунос Р. ЮСУПОВА тайёрлади.

АЁЗ ҚАЛЪА

Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор қалъалар мавжуд бўлиб, улар ўз салобати, ҳайбати билан неча асрларким инсонларни ҳайратга солиб келади. Асрлар давомида турли сабабларга кўра улкан ва қалин деворлари нураб, баъзи ерлари ўпирилиб кетган. Қалъа ичидаги археологик топилмалар ўтмишдан ҳикоя қилади. Улар ҳақидаги афсонаю ривоятлар ҳам авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган.

Эраמידан аввалги минг йиллик охирида Ўрта Осиёнинг шарқий вилоятларида Кушон подшолиги вужудга келиб, ўз даврининг энг катта мамлакатига айланган. Кушон подшолиги даврида санъат ва маданият туб бел-

гилари билан кўрина бошлади. Амударёнинг қуйида жойлашган ҳозирги Қорақалпоғистон ерларида қалъалар бунёд бўлди. Уларнинг баъзилари бизгача етиб келган. Шулардан бири – Аёз қалъа Султон Вайс тоғ тизмалари этагининг кун чиқиш томонида жойлашган. Қалъа олти метр баландликдаги улкан тепаликка қурилган, атрофи жуда қалин девор билан ўралган, сатҳи тўққиз метр майдонни эгаллаган. Улкан миноралари чор-атрофни кузатиш учун жуда қулай бўлган. Босқинчилар ҳужумидан ҳимояланишда мустақкам ҳарбий истеҳком вазифасини ўтаган.

Қалъа кўплаб қонли урушларнинг шоҳиди бўлгани археологик топилмалардан ҳам аён бўлади. Шунингдек, у ердан топилган аёлларнинг тақинчоқлари, ҳар хил рўзгор буюмлари ва меҳнат қуроллари ўша даврда хунармандчилик ҳам ривожланганлигидан далolat беради. Қадимшунос олимларнинг фикрича, Аёз қалъада ҳаёт эрамининг учинчи ва тўртинчи асрларигача давом этган.

Ривоят қилишларича, қадимда бир подшонинг ёлғиз, ҳуснада тенги йўқ гўзал ва гоёт фаросатли, доно қизи бўлган экан. Унга турли бурчаклардан бой-бадавлат совчилар кела бошлади. Қиз эса Аёз деган чўпон йигитга кўнгул кўяди. Бироқ отасининг унга бермаслигига ақли етган қиз “ким чиройли қалъа курса ўшанга тегаман” деб шарт қўйибди.

Бу жарчилар орқали элга маълум қилинибди. Одамлар қалъа битгунча қариб қолсан деб, қизнинг устидан кулишибди. Келган совчилар уни жиннига чиқаришибди. Қиз эса Аёзнинг қалъа қуришига ишониб яшади. Унинг хунарини кўрган отам мени

унга беришга албатта рози бўлади деб умид қилибди. Афсуски, подшо қалъанинг битишини кўролмади хасталик туфайли эрта оламдан ўтибди.

Халқ юртга подшо сайлаш мақсадида бахт қушини учинчи марта учганида тоғ ёнбағрида қалъа қуриб юрган Аёзнинг бошига кўнибди. Аёз тахтга ўтирибди. Севишганлар муродига етибди. Аёз подшо бўлиб қалъа қурилишини жадаллаштириб, битирибди. Адолатли подшо сифатида ном қозонибди. Унинг шарафига қалъа “Аёз қалъа” деб атала бошлади. Ривоятнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида аниқ ҳулоса йўқ. Лекин бугунги кунда Аёз қалъа ўтмиш тарихимизни эсла-тувчи юртимизнинг бебаҳо бойлиги сифатида эътироф этиляпти. Унга қизиқётган чет эллик сайёҳларнинг эса кети узилмайди.

Ушбу тарихий ёдгорликлар – қалъалар, муҳташам қасрлар аждоқларимизнинг нақадар кучли билимга эга, қўли гул меъмор бўлганликларини тасдиқлаб турибди.

Ш. ПАЙЗУЛЛАЕВА,
Қорақалпоғистон Давлат ўлкашунослик музейининг бўлим бошлиғи.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.




ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги моддий-техника таъминоти бошқармаси

2002 йил 8 ноябрдан 30 ноябргача

СОТИБ ОЛИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- * оқ-қора кинофотоплёнкалар ва фотоқоғоз маҳсулотлари;
- * рангли фотоплёнкалар ва фотоқоғоз маҳсулотлари;
- * оқ-қора, рангли фотоплёнкалар ва фотоқоғоз маҳсулотларини тасвирга чиқариш кимёвий реактивлари;
- * кимёвий реактивлар;
- * дактилоскопия ишлатиш маҳсулотлари;
- * қуруқ электр манбалари;
- * аудио ва видеокассеталар;
- * кимёвий идишлар ва ёрдамчи лаборатория воситалари.



Манзил: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-бەрк кўча, 1-уй.
Тел.: 8 10 998 (3712) 55-78-24, 55-78-21, 136-27-82
Факс: 56-74-16
E-mail: umtvs@uzpak.uz

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБМИ бошлиғи, милиция майори Ҳамроқул Ҳайдаровга онаси

САНОБАР аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон тарихи кафедраси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат майори Ш. Алимовга онаси

МУЯССАР аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБ Урганч тёмир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим фахрийлар кенгаши котиби, истефодаги милиция старшиниси
Қўнқор РАЖАБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлари а чуқур таъзия изҳор қилдилар.

КРОССВОРД

Ёйлар бўйича ўнгла: 2. Ер шарининг шимолӣ ҳудуди. 3. Автомобиль ёритгичи. 4. Шамсия йили ҳисобидаги ўн биринчи ой. 5. Хорижий валюта. 8. Босма нашр тури. 9. Шейрий вазн. 10. Ташқи қиёфа. 13. Хукмдор саройида таомни татиб кўрувчи мансабдор. 14. Соат қисми. 17. Ўтмишда шарият қонун буйича иш кўрган амалдор. 19. Электр симини мустақкамлашда ишлатиладиган чинни галтак. 20. Санъаткор қиёфасини ўзгартириш ашёси мажмуи. 21. Оила қувончи. 22. Иш тартиби. 23. Корхона.

Ёйлар бўйича чапта: 1. Ўзбек халқ мақоми. 2. Транспорт тури. 6. Чехия автомобили русуми. 7. Вагон бўлмаси. 13. Кибернетика соҳаси. 14. Марказий Америкадаги давлат. 15. Судралиб юрвчи жонивор. 16. Ижодкор. 18. Фарбий Осиёдаги давлат. 20. Миллий таом. 23. Парламент депутатларининг бирор сиёсий партияга мансуб гуруҳи.

Бўйига: 11. Коинот.
12. Сўз туркуми.



МУАММОНОМА

Кроссворд жавоблари асосида куйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонотани ҳал этинг.
2-1; 17-1, 4-3. 5-2; 13-4; 8-3; 10-4; 1-1. 3-1; 9-1; 13-4; 19-3; 20-3; 14-3; 12-5; 18-1; 16-2, 15-1; 22-1.

Уларни ўқиш билан ҳикматли сўзни билиб оласиз.

ЎТГАН СОНДАГИ БОШКОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

КРОССВОРД. Белгиланган хонадан рақам атрофига соат милли йўналишида: 1. Вотум. 2. Ҳимоя. 3. Фирма. 4. Бадал. 5. Солиқ. 6. Сўроқ. 7. Ордер. 8. Лицей. 9. Мафия. 10. Қарор. 11. Румий. 12. “Тарих”. 13. Ватан. 14. Ажрим. 15. Ариза. 16. Жамоа. 17. Лемит. 18. Уклад. **ЧАЙНВОРД.** 19. Цицерон. 20. Нотификация. 21. Яқун. 22. Нотариат. 23. Трансферт. 24. Турғулик. 25. Кворум. 26. Мандат. 27. Тендер. 28. Раис. 29. Собит. 30. Тадбир. 31. Резидент. 32. Таваккалчилик. 33. Кокаин. 34. Номенклатура. 35. Аггаше. 36. Егуклик. 37. Куч. 38. Чек. 39. Конвой. 40. Йўриқнома.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:

700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV**

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
R. BERDIYEV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:
Z. BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar
bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:

urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
«Ipak yo'li»
aksiyadorlik
investitsiyaviy
tijorat banking
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
Hisob raqami:
20210000700447980001,
MFO 00421.

• Ko'chirib bosishda
«Postda»dan ekanligini
ko'rsatish shart.

• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г — 943.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

40 518 nusxada chop etildi.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.